

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ БИР МАРТАЛИК
PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕИГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРСУНАЛИ ДЖУМАЕВ

**ЎЗБЕК ТИЛИ ЛИСОИЙ СТРУКТУРАСИНИИГ
РЕЛИКТОЛИНГВИСТИК АСИЕКТИ
(фонетик, лексик, морфологик сатх)**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора наук (DSc) по
филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Science (DSc) on
Philological Sciences**

Турсунали Джумаев

Ўзбек тили лисоний структурасининг реликтолингвистик аспекти
(фонетик, лексик, морфологик сатҳ) 5

Турсунали Джумаев

Реликтолингвистический аспект узбекской языковой структуры
(фонетический, лексический, морфологический ярусы)..... 31

Tursunali Djumayev

Relict-linguistic aspect of the Uzbek language structure (phonetic, lexical,
morphological tiers)..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 63

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ БИР МАРТАЛИК
PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕИГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРСУНАЛИ ДЖУМАЕВ

**ЎЗБЕК ТИЛИ ЛИСОНИЙ СТРУКТУРАСИНИНГ
РЕЛИКТОЛИНГВИСТИК АСПЕКТИ
(фонетик, лексик, морфологик сатҳ)**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** хузуридаги Олий аттестация комиссиясида **B2021.1.DSc/Fil278** рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қарши давлат университетидеда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Қарши давлат университети веб-саҳифасида (www.qarshi.uz) ҳамда "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Менглиев Бахтиёр Ражабович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Дадабоев Ҳамидулла Арипович
филология фанлари доктори, профессор

Усмонова Шоира Рустамовна
филология фанлари доктори, профессор

Ўрозбоев Абдулла Дурдибаевич
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи бир марталик PhD_03/30.12.2019.Fil.70.01 Илмий кенгашнинг 2021 йил "11" сентябр соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кучабоғ кўчаси 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz.). Қарши давлат университети, Физика-математика факультети биноси, 102-хона.

Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (63-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кучабоғ кўчаси, 17. Тел. (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; t-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил "30" август кунини тарқатилди (2021 йил "30" август даги 8 рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signatures in blue ink]

Н.Н.Шодмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., доцент

Г.Н.Тожиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.ф.д. (PhD)

Х.Жабборов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тилнинг синхрон талқинининг диахрон аспект билан ҳамоҳанг амалга оширилиши тилшунослар олдига янгидан-янги вазифаларни қўймоқда. Бу реликтолингвистиканинг вазифаси бўлиб, у йўқ бўлиб кетган тиллар тўғрисида сақланиб қолган маълумотларни тўплаш билан бирга унутилиш хавфи остида бўлган тилларни сақлаб қолиш борасида ҳам амалий ишлар олиб боради. Айни ҳолда, «реликтолингвистлар» бошқа «тилшунос муҳандислар» – интерлингвистлар (сунъий алоқа тилларини ўрганувчилар ва ишлаб чиқувчилар), киёсий ўрганувчилар (боботилларни қайта тиклаш бўйича мутахассислар), археоллингвистлар (қадимги тилларни ўрганувчи филологлар) билан биргаликда ҳаракат қилишлари, ҳозирги тиллардаги реликтив ҳолатлар орқали уларда мавжуд бўлган муаммоларнинг ечимини топишлари, тилларнинг бардавомлигини таъминлаш учун биргаликда фаолият кўрсатишлари талаб этилади. Ҳозирги тилларга зоҳирий жиҳатдан ёндашилганда, унинг вужудга келиш жараёнлари, ички структураси, тарихи ва этимологиясини, тарихий этимологик қатламларга муносабатини бирдан илғаб олиш мушкул. Бунинг учун тилга турли усул, услуб ва, жоиз бўлса, муайян фан мезонлари асосида ёндашиш такозо қилинади.

Дунё тилшунослигида тилни замонавий ва тарихий аспектда талқин этиш борасида илмий изланишлар юзага келмоқда. Тил жуда серқирра, кўп аспекти ижтимоий-руҳий-физиологик ҳодиса, жараён бўлганлиги боис унинг алоҳида-алоҳида қирраларини ўрганувчи тилшуносликнинг компаративистика, натурализм, диахрон тилшунослик, синхрон тилшунослик, структурализм, статистик лингвистика, психоллингвистика, социоллингвистика, ареал лингвистика, лингвистик типология, амалий тилшунослик каби йўналишлари бир-бирини тўлдирган ҳолда мавжудликка эга. Демак, реликтолингвистиканинг яна бир энг муҳим вазифаси ҳар бир тилнинг боқийлигини сақлаш борасида унинг таркибини фундаментал тадқиқотлар негизидаги базани яратишдан иборат бўлиши лозим.

Республикамизда сўнгги йилларда ўзбек тилининг ички структурасида мавжуд бўлган лингвистик муаммоли вазиятларнинг ечимини лисоний структурага бинар аспектда ёндашиш орқали ҳал этишга катта эътибор қаратилмоқда. “Она Ватанимизни раванқ топтириш, юртимизда илмий муҳитни юксалтириш, айниқса, ёшларда илму фанга интилишни кучайтириш, илмий-техникавий, инновацион соҳаларни янада тараккий эттириш учун келажакда ҳали кўплаб эзгу ишни амалга оширамиз”¹. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда лисоний бирликларнинг моҳиятини ойдинлаштириш ҳозирги ўзбек адабий тили сатҳларини диахроник ва синхроник аспектда текшириш, она тилимиз ички тузилишида энг қадимги “осори атиқалар” яшаётганлигини кўрсатиб бериш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий таракқиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 181.

тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили хақида”ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 989-сон “Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида”, 2021 йил 29 январдаги 40-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва шу каби бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Реликтология, хусусан, унинг бир тармоғи ҳисобланган реликтолингвистиканинг тарихий-лисоний, формал-функционал, формал-семантик парадигматик ва синтагматик хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Москва давлат Тилшунослик институти, Москва давлат университети, Санкт-Петербург университети, РФА Шимолий Осетия педагогика институти, Кубан давлат педагогика институти, Decision Sciences and MIS Department, LeBow College of Business, Drexel University, Philadelphia, PA, United States (АҚШ), Marketing, Martin Tuchman School of Management, New Jersey Institute of Technology, Newark, NJ, United States (АҚШ), Organizational Leadership and Information Analytics, Leeds School of Business, University of Colorado Boulder, Boulder, CO, United States (АҚШ), Новосибирск давлат университети, РФА, Лингвистик тадқиқотлар институти, РФА Догистон илмий марказининг Тил, адабиёт ва санъат институти, Тогли-Олтой давлат университети, Қозок миллий университетида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Дунё тилшунослигида тил сатҳларини реликтолингвистик аспектда ўрганиш, улардаги муаммоли ва чигал лингвистик хусусиятларни муайянлаштиришга асосланган тадқиқотлар талай илмий натижаларнинг юзага келиши учун замин бўлган: ёзувнинг ўзгариши муносабати билан оҳангдошликдаги чекинишлар, натижада тилнинг тарихий имкониятлари сусайганлиги аниқланган (University of Tennessee, АҚШ; морфологик вариантликнинг сабаблари олтой тиллар доирасига қиравчи тиллар билан умумийликларга эга эканлиги исбот қилинган

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://dodoy.ru/index.-iz-osetii-ot-nikolaya-abaeva-chast-1&catid=39:etimologiya&Itemid=79>
https://vk.com/wall-162306154_11630; <http://www.xn--e1agavasi5e.xn--plai/story/108-2011-07-18-08-26-56.html>
<https://otherreferats.allbest.ru/languages/00862750.html> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

(Санкт-Петербург давлат университети, Москва давлат университети, РФ); ноқардош тиллар орасида лексик умумийликлар тарихийлик нуқтаи назаридан бир генезисдан шаклланганлиги асосланган Marketing, Martin Tuchman School of Management, New Jersey Institute of Technology, Newark, NJ, United States (АҚШ), Америка хиндуларининг тили туркий тиллар билан лексик-семантик жиҳатдан қиёсланган (Organizational Leadership and Information Analytics, Leeds School of Business, University of Colorado Boulder, Boulder, CO, United States (АҚШ); Новосибирск давлат университети, РФ).

Дунё тилшунослигида реликтологиянинг, хусусан, тилни реликтолингвистик тадқиқ қилиш бўйича устувор йўналишларда бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда: муайян тилнинг синхроник структурасида диахроник унсурларни аниқлаш, қардош тилларнинг ички қурилишида ўхшаш лисоний бирликларни топиш ва уларнинг боботил қолдиқлари эканлигини исбот этиш, ноқардош тиллар ўртасидаги лисоний умумийликларни генетик ва тўлқин назариячилари фикрларига таянган ҳолда тадқиқ этиш, айнан олинган тилнинг сатҳлари орасидаги алоқадорликларни ўрганиш ва уларнинг реликтолингвистик асосларини очиб бериш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек тилшунослигида тил бирликларига реликтолингвистик аспектда ёндашилмаган. Шу кунгача амалга оширилган илмий тадқиқот ишларида туркий тиллар тарихийлик нуқтаи назаридан ёритилган. Айни жабҳанинг тадқиқига ўзбек тилшуносларидан Ф.Абдуллаев, Ғ.Абдурахмонов, С.Муталлибов, А.Рустамов, Э.Фозилов, Қ.Маҳмудов, Ш.Шукуров, Ҳ.Неъматов, Н.Абдурахмонов, Ш.Раҳматуллаев, Б.Бафоев, С.Аширбоев, Б.Тўйчибоев, Ҳ.Дадабоев³ сингари олимлар катта ҳиссаларини қўшишди. Улар ўзбек тилини тарихий жиҳатдан тадқиқ қилишда, тарихий тилшуносликнинг илмий-назарий асосларини яратишда салмоқли ишларни амалга оширишди. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг юзага келиши ва унинг раванки учун тил сатҳларини тарихий жиҳатдан ўрганиш борасида

³ Абдуллаев Ф. Эски ўзбек тили. Дарслик (хамкор). – Тошкент, 1959; Абдуллаев Ф. -чи аффиксининг генезиси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 6-сон. – Тошкент, 1960; Абдуллаев Ф. Туркий тилларда келишик аффиксларининг генезиси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 5-сон. – Тошкент, 1961;

³ Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили фонетикаси тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 2-сон. – Тошкент, 1962; Рустамов А. Алишер Навоийнинг «Маҳбубул-қулуб» асаридаги баъзи бир эски ўзбек тилига хос хусусиятлар. Труды аспирантов САГУ им. В.И. Ленина, вып. 4. – Ташкент, 1958; Рустамов А. Алишер Навоий тилида «у» богловчисининг ишлатилиши // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1-сон. – Тошкент, 1959; Абдурахмонов Ғ.А., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. (Ҳамкор – Абдурахмонов Ғ.А.); Фозилов Э. Ўзбек тилида *ишонмоқ*, *инонмоқ* феълларининг этимологияси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1-сон. – Тошкент, 1962; 1966; Шукуров Ш. Эски ўзбек тилида ҳозирги замон маъноларини ифодаловчи феъл формалари // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1-сон. – Тошкент, 1959; Эски ўзбек тилида келаси замон феъллари // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1-сон. – Тошкент, 1960; Шукуров Ш. -гай формасининг тарихига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 3-сон. – Тошкент, 1964; Нигматов Х.Г. Морфология языка восточно-тюркских памятников X-XII веков по материалам сочинения Юсуфа Баласагунского, Махмуда Кашгарского, Ахмеда Югнакского; Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Ленинград, 1976; Абдурахмонов Н. Қадимги туркий тил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1988; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик лугати. – Тошкент: Университет, 2000; Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. – Тошкент, 1983; Бафоев Б. Кўҳна сўзлар тарихи. – Тошкент: Фан, 1991; Аширбоев С. Из истории изучения грамматического строя узбекского языка: по трудам русских тюркологов 1875-1917 гг.: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1975; Тўйчибоев Б. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990; Тўйчибоев Б. Ўзбек тилининг тараккиёт босқичлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996; Dadaboyev N. O'zbek terminologiyasi. O'quv qo'llanma. – Toshkent: "Nodirabegim" nashriyoti, 2020; Алиев А., Содиков Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994.

муҳим ёзма тарихий манбаларга таяниб, она тилимизнинг меъёрларини белгилашда ўзига хос илмий ҳукм ва ҳулосалар баён этилди. Мазкур тадқиқотларда ўзбек тилининг фонетик, лексик, морфологик ҳамда синтактик сатҳлари чуқур тадқиқ этилганлиги айтилган ҳақиқат. Бу ишларнинг барчасида, ўзбек тилининг тарихий меъёрлари талқин этилиши билан бирга, энг қадимги тилларнинг тарихий илдизлари – қолдиқ (реликт)лари бугунги адабий тилимизда яшаб келаётганлиги у ёки бу қадар тасдиқини топган. Аммо ўзбек тилшунослигида тарихий лисоний реликтлар масаласи алоҳида монографик тарзда махсус ўрганиш объекти бўлгани йўқ. Бинобарин, ўзбек тилидаги тарихий-лисоний қолдиқларни алоҳида тизим сифатида ўрганиш, унинг илмий-назарий асосларини яратиш ва шу орқали бу соҳага тегишли муаммоларни ҳал қилиш йўли ва усулларини белгилаш бугунги ўзбек тилшунослигининг ўз тадқиқини қутаётган муҳим масалаларидан ҳисобланади. Диссертацияда ўзбек тилининг фонетик, лексик ва морфологик сатҳларига оид тарихий қолдиқлари қадимги ёзма обида ва илмий манбалар асосида тадқиқ қилинди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек тили бирликларининг функционал прагматик ва семантик-услубий таҳлили (синхрон ва диахрон аспектда)” мавзуси (2017-2021) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳозирги ўзбек адабий тили сатҳларида сақланиб қолган тарихий-лисоний қолдиқларни бинар аспектда очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

реликт ва лисоний реликт тушунчасинининг моҳиятини очиқ бериш;

лисоний реликт ва тарихий қолдиқ тушунчалари орасидаги фарқларни муайянлаштириш;

реликт хусусидаги илмий қарашларни белгилаш, унинг қолдиқ тушунчаси билан муносабати ва фарқли жиҳатларини очиқ бериш;

реликтология фани ўрганиш объектининг ўзбек тилшунослигидаги татбиқини белгилаш;

реликтолингвистиканинг ўрганиш объекти ва моҳиятини очиқ бериш;

лисоний реликтнинг юзага келиш омилларини аниқлаш;

лисоний реликтнинг ўзбек тили фонетик, лексик, морфологик тизимидаги ўрнини белгилаш;

реликтолингвистиканинг ҳозирги ўзбек адабий тили сатҳларидаги муаммолар ечимини таъминлаш.

Тадқиқотнинг объектини ҳозирги ўзбек адабий тилида мавжуд, аммо шаклан ҳамда семантик жиҳатдан ўзгаришга учраган лисоний бирликлар, тарихий, бадий асарлар, илмий тадқиқотлар, ўзбек тили лаҳжа ва шеваларига оид материаллар ташкил этади

Тадқиқотнинг предмети сифатида ҳозирги ўзбек тилининг фонетик, лексик ва морфологик сатҳларида сақланган реликтолингвистик бирликлар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг асосий усули сифатида тарихий-этимологик, киёсий, семантик-стилистик, тиклаш, вариантлашув бўйича таҳлил этиш, ясашиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

таълим жараёнида муаммоли вазиятларни юзага келтирувчи лисоний унсурларнинг тилшуносликда фонетик, лексик, морфологик сабаблари аниқланиб, уларнинг ечими диахроник ва синхроник талқин асосида муайянлаштирилиши орқали тилда бундай тасодифий жараёнлар лисоний реликт деб аталиши кўрсатилган;

лисоний реликт ва тарихий қолдиқ орасидаги чегара – моддийлик билан бевосита алоқадор, қолдиқ – тарихийлик билан боғлиқ бўлиб, мазкур лисоний бирлик жамият аъзоларининг онгида яшайдиган лингвистик тушунчалар эканлиги тарихий ҳамда замонавий лисоний далиллар асосида аниқланган;

лисоний реликтларнинг юзага келиши бир неча тиллар орасидаги диахроник ва синхроник умумийликлар лисоний бирликдаги дифференциал ва интеграл фонетик-орфоэпик фарқ ҳамда адабий меъёр, нутқ жараёнида иштирок этадиган экстралингвистик омиллар натижасида содир бўлиши мумкинлиги далилланган;

лисоний реликтларнинг фонетикада унлиларнинг бекарорлигида, ундошларнинг ўрин алмашилиш имкониятларида, лексик бирликларда сўз формасининг замонавий тил меъёрларига мос келмаслиги унинг тилдаги энг қадимги белгиларни ўзида жамлаганлиги билан, морфологияда эса шакл ва маъно номутаносибликларида ҳамда морфологик кўрсаткичларнинг кўп ададда сақланиб қолиши натижасида намоён бўлиши реликтолингвистик меъёр орқали асосланган;

узлуксиз таълимнинг барча бўғинларида фойдаланиладиган дарсликлар, ўқув қўлланмаларида мавжуд бўлган фонетика ва морфологияда юзага келадиган ижтимоий, бадиий ифодавий, конструктив муаммоли вазиятларнинг ечимини топиш усуллари, изоҳли лугатлар тузишда сўзларнинг тўғри ва ҳаққоний лугавий маъноларини аниқ кўрсатиб, йўл қўйилган орфографик, лексик-семантик, морфологик камчиликларни бартараф этиш мезонлари белгиланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилининг фонетик ҳамда морфологик сатҳларида учрайдиган ҳозирги ўзбек адабий тили мезонларидан ташқарида турувчи ходисаларнинг ечимини аниқлашда муҳим илмий-назарий маълумот берган;

имло, изоҳли, этимологик лугатлар яратиш ва уларнинг ички қурилмасини такомиллаштириш, лугат сўзлигини танлашда баҳсталаб ва десемантизациялашган сўзларни изоҳлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилган;

мамлакатимизда ўзбек тилини замон талаблари асосида тараккий эттириш, унинг давлат тили мақоми даражасидаги нуфузини янада юксалтириш борасида олиб борилаётган ишларнинг амалий давоми бўлиб хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг тавсифлаш, таснифлаш, компонент таҳлил этиш,

этимологик усуллар билан асослангани, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тили реликтолингвистикасининг шаклланиши, шу асосда ўзбек тили этимологияси, терминологияси, ўзбек тили тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жамланган материаллар ва чиқарилган илмий хулосалар дарслик, ўқув-қўлланма, “Ўзбек тилининг этимологик лугати”, “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”, имло лугатларини яратиш, синхрон ва диахрон тилшунослик фанлари бўйича бакалаврият ҳамда магистратура таълим йўналишларида махсус курслар ўтишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тили лисоний структурасининг реликтолингвистик аспекти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

таълим жараёнида муаммоли вазиятларни юзага келтирувчи лисоний унсурларнинг сабаблари аниқланиб, уларнинг ечими диахроник ва синхроник талқин асосида муайянлаштирилиши орқали тилда бундай тасодифий жараёнлар лисоний реликт деб аталишига оид хулосасидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-Г003 рақамли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 26 февралдаги 17-01/129-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек ва қорақалпоқ адабий тили сатҳларидаги муаммолар ечимини таъминлаш вазифаларини белгилаш имконини берган;

лисоний реликтларнинг юзага келиши: бир неча тиллар орасидаги умумийликлар; лисоний бирликдаги фонетик-орфоэпик фарқ ҳамда экстралингвистик омиллар натижасида содир бўлиши мумкинлигига оид хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-Г003 рақамли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган. (Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 26 февралдаги 17-01/129-сон маълумотномаси). Натижада лисоний реликтнинг ўзбек ва қорақалпоқ фонетик, лексик, морфологик тизимлардаги ўрнини аниқлаш имконини берган;

изоҳли лугатлар тузишда сўзларнинг тўғри ва ҳаққоний лугавий маъноларини аниқ кўрсатиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мезонларини белгилаш асосида “Ўзбек тилининг реликтолингвистик талқинли сўзлари лугати” (ISBN 978-9943-2418-2-9) тузилган. Натижада ўзбек тилидаги реликтолингвистик талқинли сўзларнинг қўлланилишига аниқлик киритиш ва лугатларнинг оптимал вариантларини яратиш имконини берган;

лисоний реликтларнинг юзага келиши: бир неча тиллар орасидаги умумийликлар; лисоний бирликдаги фонетик-орфоэпик фарқ ҳамда

экстралингвистик омиллар натижасида содир бўлиши мумкинлигига оид илмий хулосаларидан Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясининг «Сўзлар жавоҳири» кўрсатуви ҳамда вилоят радиосининг «Воҳа садоси» эшиттириши сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 21 майдаги 569-сонли маълумотномаси). Натижада кўрсатув ва эшиттиришлар мазмунининг маърифий ва амалий жиҳатдан бойиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та илмий мақола, жумладан, 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва шартли кискартмалардан иборат бўлиб, 238 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, мақсад ва вазифалари берилган, объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, жорийланиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Реликт ходисаси ва унинг тадқиқи масаласи**” деб номланган. Бобнинг “Тилдаги тарихий мавжудликлар муаммоси. Реликт термини дефиницияси” деб аталган биринчи бўлимида реликт ва лисоний реликт тушунчалари орасидаги фарқ тасниф этилган. Реликт (*relikt* қадимги даврлар қолдиги сифатида сақланиб қолган нарса, ходиса ёки организм) атамаси немис географи ва антропологи Оскар Пешел (1826–1875) томонидан 1875 йилда фанга киритилган⁴. Аммо бу атама деярли барча фанлар учун умумий бўлиб, унинг семалари ҳар бир соҳада бир қадар интеграл ва дифференциал фарқлар билан истифода этилади.

Бу терминнинг моҳияти *биологияда*: ўтмишдаги геологик даврлардаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг қолдиги сифатида маълум минтақанинг флора ва фаунасининг бир қисми бўлган тирик организм ва ҳозирги мавжуд шароит билан бир хил номуносивлик, реликт одатда палеоэндемик⁵; *физикада*: реликт

⁴ Segerstråle S.G. On the Immigration of the Glacial Relicts of Northern Europe, with Remarks on their Prehistory. – Helsingfors, 1957. – P. 8. – 117 p.

⁵ Fixsen, D. J. The Temperature of the Cosmic Microwave Background (англ.) // The Astrophysical Journal. – IOP Publishing, 2009. – Vol. 707. – P.916–920. – 10.1088/0004-637X/707/2/916. doi: – Bibcode: 2009 ApJ... 707..916F. – arxiv:0911.1955.

катта портлаш назариясининг асосий тасдиқларидан бири⁶; *кимёда*: қуёшдан олдинги доналар, шунингдек, юлдузлараро доналар ёки Қуёш тизими шаклланганидан кейин ўзгаришсиз қолган минерал зарралар⁷; *тарихда*: реликт (лотин. *relinquere* – «қолмок» феълидан) бу ўтмишдаги тарихий ёки диний воқеалар билан боғлиқ бўлган муқаддаслик белгиси билан сақланиб қолган ва кадрланадиган нарса. Уларнинг энг машҳурлари орасида Мономахнинг шапкаси, Петернинг қайиғи ва бошқаларни келтириш мумкин; *тилшуносликда*: Готик лингвистик реликтларга апельсин лексемалари ва готик матнларнинг асосий танасидан ташқарида сақланиб қолган номлар киритилган.

Реликт атамаси қадимги замонлардан ёдгорлик сифатида сақланиб қолган организм, нарса ёки ҳодиса сифатида Н.Вавиловнинг “Беш континент” асарида⁸, Д.Н. Ушаков раҳбарлигида нашр этилган «Толковый словарь русского языка»да⁹, А.П. Евгеньева бошчилигида тузилган “Словарь русского языка”да¹⁰ талқин этилган. Э.Рязанов эса «реликт» атамасининг синонимлари сифатида *қолдиқ* (пережиток), *рудимент*, *анахронизм*, *архаизм*, *сақланма* сингари бир қатор сўзларни келтиради. “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да реликт атамасига ўрин берилмаган, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да унинг қисқача изоҳи биологик-археологик аспектда келтирилган, холос¹¹.

Тилшуносликда реликт атамасини фақат ўтмишнинг қолдиги сифатида тасаввур қилиш унчалик мақсадга мувофиқ эмас. Аслида бу борада “реликт” ҳамда “қолдиқ” тушунчаларини фарқлаш лозим. Ўзбек тилшунослигида лисоний қолдиқ деб ўтмишдан ҳозирги тилга айрим фонетик ўзгаришлар билан кўчган, аммо лисоний бирликлар билан алоқага (масалан, грамматик) киришиши чекланган бирликларни тасаввур этиш лозим бўлади. Бу икки тушунчани фарқлаш учун *очун* ҳамда *олга* лексик бирликларининг реликтолингвистик таҳлилга муносабатини олиб кўрайлик. *Очун* кам истеъмолли сўз бўлиб, қадимги туркий (сўгд) тилдан ўзбек тилига мерос бўлиб қолган, унинг тарихий шакллари “ачун”, “ажун” бўлганлиги ҳам ҳақиқат. Бироқ бу сўз бирор грамматик шакл билан муносабатга киришиб, замонавийлик руҳини бериш имкониятига эга эмас, шу сабабли у қолдиқ ҳисобланади.

Олга сўзида реликтивлик белгилари мавжудлигига далил, аввало, унинг ўзаги ўз маъносини йўқотганлигида, ўзак ва асос умумийлиги “олдинга” маъносини англатиши механик равишда онгда акс этади. Морфемик таҳлилда *-га* жўналиш келишиги кўшимчаси эканлиги аён бўлади, *ол-* ўзаги *олд* сўзининг таркибида ҳам мавжуд, *олга* билан семантик умумийликка эга. Бундан ташқари, *ол-* асосининг *ил-* фонетик варианты “*илгари*”, “*илгор*” сўзларида ҳам учрайди. Шу сабабдан ҳам *олга* сўзини реликтив лексик бирлик деб ҳисоблашга асос бор.

⁶ Шкловский И.С. Веселенная жизнь, разум – М.: Наука, 1987.

⁷ Устинова Г.К. О возможном многообразии астрофизических источников метеоритных алмазов // Вестник Отделения наук о Земле РАН. – 2009. – № 1 (27). – С. 192–197.

⁸ Вавилов Н. Пять континентов. 2-е изд. – М.: Мысль, 1987.

⁹ Источник: «Толковый словарь русского языка» под редакцией Д. Н. Ушакова (1935-1940); (электронная версия): Фундаментальная электронная библиотека. – М. 1994 (Содержит более 90 000 словарных статей).

¹⁰ Рязанов Э. Неподведённые итоги. Издательство: Вагриус, 2007. (цитата из НКРЯ). Источник: Викисловарь. <https://www.labyrinth.ru/books/86902/>

¹¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 7-том. ПАРЧИН – СОЛИҚ, 2004. – Б. 502.

Реликт атамаси *рудимент* атамаси билан маълум маънода синоним бўла олади. (Бу сўзнинг тўлиқ таснифи кейинги бўлимларда берилади).

Демак, реликт, реликтология, лингвореликтология атамаларининг илмий тадқиқи ўзбек тилшунослигида хали ўз ечимини кутаётган муаммолардан бири эканлиги шубҳасиз.

Биринчи бобнинг иккинчи бўлими “Реликтология ва тилшунослик” деб номланган ва унда реликтология ҳақидаги дастлабки маълумотлар филолог-олим, эроншунос, этнограф ва этимолог, педагог, профессор В.И. Абаевнинг “Тилшунослик назариясининг асослари – реликтология” мақоласида келтирилганлиги талқин этилган. Олим осетин тилида сақланган қадимги тарихий лисоний қолдиқлар – излар ҳақида фикр юритар экан, реликтология тушунчаси борасида илк мақбул фикрларни билдиради. Осетин тилининг ёзма ёдгорликларига таяниб, ундаги горизонтал белгилар қолдиқларини таҳлил этади ва «Авесто» сўзида: «А-ин-эс-та», «Қаерда биринчи иккита қолдиқ» – А-в «юкорида кўрганимиздек», осмон ва «реликт» эс «реликт» ос (ас)нинг товушларидан бири – “рахбар ва реликт»да дегани,” – деб ёзган эди¹². Кўриниб турибдики, таҳлил этиладиган бирликларнинг сони кўп ва чигал.

Чунончи, файласуф олим Т.П. Лолаев Н.В. Абаевнинг амалга оширган ишларига юксак баҳо бериб: “Менимча, реликтология этимологиянинг энг чуқур қатламига ёки мустақил фанига айланади,” деган фикрни билдиради. Унинг кўрсатишича, тарихий тараққиёт ёки ижтимоий ўзгаришлар ва форматик инкилоблар натижасида халқларнинг идеологик мафкураси билан биргаликда уларнинг тилларида ҳам ўзгаришлар содир бўлади. Бундай ҳолат халқлар тилининг фонетик тизимида катта ва, энг ачинарлиси, салбий таъсир этиши табиий. Бу ҳатто этносларнинг йўқ бўлиб кетишига ҳам олиб келиши мумкин. Шу сабабли тилларнинг қадимги ҳолатини замонавий кўринишлари билан биргаликда талқин этиш зарурати ўта муҳим деб билади ва унинг исботини осетин тили мисолида асослаб беради¹³.

Лисоний реликтнинг пайдо бўлиш омиллари бир неча йўллар билан юзага келиши мумкин.

1. Лисоний реликт атамадаги семантик алоқадорлик асосида. Микроскопик таҳлил ва тадқиқ замонавий тилларда касб-хунар, шарт-шароит, иқлим ва бошқа ситуатив сақланмалар яшаб келаётганлигини кўрсатади. Масалан, Заур Дзитсоев осетин тилининг тарихий унсурларига тарихий-қиёсий нуқтаи назардан ёндашиб ўлчов бирлиги бўлган «*уаердон*» сўзининг реликтолингвистик хусусиятларини исботлаб беради¹⁴.

2. Бир тушунчанинг бир неча тилларда бир-бирига яқин аталиши орқали жаҳонга машҳур XIX аср рус халқининг буюқ қаламкашларининг нодир асарларида тавсиф этилган *Казбек* тоғли ўлкасининг этимологияси ҳануз

¹² Абаев Н.В. Основы теории языкознания – реликтология. http://dodoy.ru/index_-iz-osetii-ot-nikolaya-abaeva-chast-1&catid=39:etimologiya&Itemid=79

¹³ Лолаев Т.П. Сўз қурилиши ҳақида (ДЗИРД). Нартс аёвзаг – нартс тили (2 қисм) https://vk.com/wall-162306154_11630.

¹⁴ Заур Дзитсоев. Из Переписки С С. Таболовым. 2007. <http://www.xn--elagavasit5e.xn--plai/story/108-2011-07-18-08-26-56.html>

бахсталаб, бу масалага ҳар бир этимолог ўз индивидуал субъективизми асосида ёндашади. Бу – ҳақиқат, бу – диалектик қонуният. Чунончи:

1. *Л.Г.Цагаев* унинг этимологияси туркий тилда: *хаз* козоқча этноним ва туркийча *аз* этнонимларидан, туркий географик атаманинг ўзаги *бег* – байк, баек – «баландлик»дан келиб чиққан дейди. 2. *Заур Дзитсов* *эса* Казбек – осетинча бўлган исм. Бошқа тиллар учун хос бўлмаган осетинча чуқур тил орқа «х» товуши «к» товуши билан алмаштирилган. Осетияда «каф» сўзи – «хаз» “ўйнамок” тарзида айтилади, Казбек – Хаз + бек учун ҳам худди шундай фонетик ҳодиса рўй берган, деб изоҳлайди.

3. Сўзнинг формал-семантик ўзгаришга учраши орқали.

Этимологик таҳлил ҳар доим мунозарали, чунки унинг келтириб чиқарган ҳулосаси учун бир-бирига карама-карши бўлган икки асос ётади: биринчиси – тасдиқловчи далил, иккинчиси – инкор этувчи сабаб. Шундай бўлса-да, моҳият мунозараларда муайянлашади, уни тўғри талкин этишда реликтолингвистикага зарурат ҳамиша сезилади.

Биринчи бобнинг учинчи бўлими “Реликтолингвистика ва унинг тадқиқ объекти масаласи” деб аталган. Реликтолингвистиканинг вазифаси нафақат йўқ бўлиб кетган тиллар тўғрисида сақланиб қолган маълумотларни тўплаш, балки ноёб ва унутилиш хавфи остида бўлган тилларнинг йўқолиб кетишининг олдини олиш бўйича тадбирларни ҳам камраб олади. Тилшуносларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бугунги кунда дунёда 7000 жонли тил мавжуд бўлса ҳам, уларнинг 90 фоизида 100 минг нафардан кам инсон мулоқот қилади.

Дунё аҳолисининг ярми кундалик ҳаётда атиги 8 та тилдан фойдаланади, аммо 10 та тилда сўзлашувчиларнинг сони эса жуда чекланган: 1) Камикуро (камиколо, камеколо, камикуро), Перу ҳиндулари – 2008 йилда 8 киши бу тилда сўзлашган; 2) Ҳимолайда яшовчи думи тилида – 2007 йилда бу ерда 8 киши сўзлашган; 3) онгота; 4) лейки; 5) танема; 6) нереп; 7) чемеуэви; 8) лемериг; 9) каиксана; 10) тауширо сингари тилларда ҳам санокли инсонлар мулоқот қилишган¹⁵. Реликтолингвистика бундай тилларнинг яшаб қолиши билан жиддий шугулланадиган соҳа ҳисобланади.

Иккинчи боб “**Фонетик сатҳнинг реликтолингвистик талқини**” деб номланган бўлиб, унинг “Ўзбек тили тарихий фонетикаси ва унинг тадқиқи” деб аталадиган биринчи бўлимида фонетик реликт борасида баҳс юритилади. Фонетик реликтлар ҳақидаги дастлабки тушунчалар XI асрнинг дақиқ тилшуноси Маҳмуд Кошғарий томонидан талқин этилган. Масалан, олимнинг қайд этишича, *хўпламоқ* маъносидаги сўзнинг этимологияси товуш ўзгариши қоидага асосан *ичмоқ* феълнинг тарихий ўзаги бўлган *өн-* ўзагига *-ла* ясовчисини қўшишдан шаклланганлигини қайд этган эди¹⁶.

Нутқ товушларининг реликтолингвистик таҳлиliga оид фикрлар Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул-лугатайн” асарида ҳам ўз аксини топган эди. Ҳозирги ўзбек тилида омоним ҳисобланадиган бир қанча сўзлар орасидаги

¹⁵ http://budetinteresno.info/toponim/tverdiy/perevod_1146.html

¹⁶ Кошғарий Маҳмуд. Девону луготит турк. Таржимон ва нашрға тайёрловчи С.Муталлибов. III том. – Тошкент, 1963. – Б. 87.

маъно ранг-баранглигини товушлар орасидаги фонологик қиймат юзага келтиришини буюк “асадайн”нинг ўзи шарҳ этган. Масалан: “Ва кўк лафзин ҳам неча маъни била истиъмол килурлар. Бири кўк – осмонни дерлар. Яна кўк оҳангдур. Яна кўк теграда кўкламдур. Яна кўк кадогни ҳам дерлар. Яна кўк сабза ва ўлангни доги дерлар”¹⁷. Навоий қўллаган “қадоз” сўзига реликтолингвистик нуқтаи назаридан ёндашилганда “қадок қўллар” дегани, яъни “кўқарган, қаварган қўллар” маъносини ифода этиши равшанлашади.

Жахон тилшунослигида бу масала кўплаб олимларнинг диққатини ўзига жалб қилган. Жумладан, Америка тилшуноси Жозеф Гринберг (1915–2001) Америкадаги ва Африкадаги тилларни ягона “универсалия” сифатида тадқиқ қилиб (1962), уларнинг келиб чиқиши ҳамда реликтив белгиларини ўрганган эди¹⁸.

Бу мавзу И.А.Калужскаянинг “Ҳозирги болкон тилларидаги палео-болкон реликтлари” ҳамда М.А.Гаджиеванинг “Қумик тилининг отемиш шевасининг фонетик ва морфологик хусусиятлари” номли монографиялари, Н.А.Ганинанинг «Готик тилининг қолдиқлари», (Масалан: крим-готча *seis* готча *saihs* “шесть” (“олти”) сингари кўплаб реликтик бирликлар мавжудлигини исботлаб берган), И.В. Толкачеванинг “Тургун бўлмаган фонетик ходисалар лексикализация асоси сифатида: нижегород лахжалари материаллари асосида”, Т.А.Сергееванинг “Ундошларнинг фонетик ўзгариши ва орфоэпик норма (рус адабий тилининг материаллари асосида)” мавзусидаги, Т.А.Баданованинг “Олтой тилида қиёсий аспектдаги сўз ургуси”, А.А. Шалданованинг “Олтой тилининг олтой-кижи лахжаси вокализми: қиёсий аспектда” диссертацияларида талкин ва тасниф этилган¹⁹.

Ўзбек тилшунослигида тарихий фонетиканинг энг мукамал тадқиқи профессор Х.Ғ.Неъматовнинг “Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси”, Б.Тўйчибоевнинг “Ўзбек тилининг таракқиёт босқичлари”, Қ.Махмудовнинг “Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси” монографиялари орқали амалга оширилган бўлиб, уларда реликт, лисоний реликт атамаси қўлланган бўлмаса ҳам, унга хос айрим белгилар тадқиқ этилган.

Иккинчи бобнинг “Унлиларнинг синхрон ва диахрон тадқиқи” деб номланган учинчи бўлимида ўзбек тилшунослигида унлилар тизимининг шакллантирилиши борасидаги муаммолар ҳақида баҳс юритилади. Эски туркий

¹⁷ Алишер Навоий. Муҳокаматул-лугатайн. Нашрга тайёрловчилар: Порсо Шамсиев ва Ойбек.– Тошкент: Ўздавнашр, 1948. – Б. 183.

¹⁸ Антропологическая лингвистика https://www.koob.ru/greenberg_j/

¹⁹ Калужская И.А. Палеобалканские реликты в современных балканских языках (К проблеме румыно-албанских лексических параллелей). Отв. ред. Л.А.Гиндин. – М.: Индрик, 2001; Гаджиева М.А. Фонетические и морфологические особенности отемишского говора кумыкского языка. – Махачкала, 2006; Ганина Н.А. Готские языковые реликты: автореф. Дисс. ... д-ра филол. наук. – М., 2008; Ганина Н.А. О крымско-готских реликтах в топонимике и ономастике // Миноритарные языки Евразии: история и современность. Материалы круглого стола. – М.: Институт языкознания РАН, 2008; Толкачева И.В. Нерегулярные фонетические явления как основа лексикализации: на материале нижегородских говоров. – М., 2012; Сергеева Т.А. Фонетическая вариантность согласных и орфоэпическая норма (на материале русского литературного языка: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ленинград, 1984; Баданова Т.А. Словесное ударение в алтайском языке в сопоставительном аспекте: Дисс. ... канд. филол. наук. – Новосибирск, 2007; Шалданова А.А. Вокализм диалекта алтай-кижи алтайского языка: в сопоставительном аспекте: Дисс. ... канд. филол. наук. – Горно-Алтайск, 2003.

тил, эски ўзбек тилларида бўлганидек, ҳозирги жонли тилда ҳам унлилар сонини белгилаш ўта мураккаблик касб этади.

XX аср бошларида Шўролар давлати барпо бўлиши билан мамлакатни ёппасига саводли қилиш масаласи ижтимоий ҳаётнинг энг долзарб масалаларидан бирига айланди. Инчунин, 1921 йил январда биринчи Ўлка ўзбек тил ва имло қурултойи чақирилди ва унинг қарорлари эълон қилинди. Унга кўра ўзбек тили имлоси учун: “1.Олти чўзгили имло қабул этилсин. 2. Тилимиздаги ёт сўзлар ҳам шул олти чўзги билан ёзилсин. 3. Ҳар ҳарф ва ҳар чўзгининг ўзига махсус шакл бўлсин. 4. Уст чўзгиларини ўрунли ёзмок учун сўзларнинг қолинлиги, ингичкалиги (га) эътибор этилсин. 5.Тилимиздаги арап сўзига ҳам шул тўрт модда қўлдан келганича юритилсин,”²⁰ деган дастлабки мезон белгиланди. Шундан кейин Фитратнинг таклифи билан ҳарплар (ундошлар)нинг сони 23 та ва чўзгиларнинг (унлиларнинг) сони 6 та қилиб белгиланди. Аммо бу фонетик тизим ҳозирги ўзбек адабий тилининг товушларига бутунлай тўғри келишини кўрсатмас эди.

XX асргача бўлган фонетикага оид фикрлар тахминий бўлиб, бу қарашлар ҳам бошқа тилларга – араб ва форс тилларига бўлган нисбат натижасида юзага келган, қолаверса, чигатойча туркийнинг унлилар тизимини белгилаш, ундаги сингармонизмнинг заифлашганлигини исботлаш ўтган асрнинг 40-йилларигача ўз ечимини топмади. Бу соҳадаги уринишлар анча-мунча тортишувларга сабаб бўлди.

Унлиларнинг реликтолингвистик талқини. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг унлилар тизими XX асрнинг ўрталарига келиб формал жихатдан, ҳозиргача бу соҳа борасидаги мунозаралар бисёр бўлса ҳам, шаклланишнинг энг юқори босқичига етди. Замонавийликнинг кўксига ҳамини тарихийлик абадий барҳаёт бўлганидек, тилимизнинг бу сатҳида қадимги белгилар ҳамон ўз аксини топиб турибди.

а унлиси. Бу унли ҳозирги ўзбек тили мезонларида қуйи кенг, тил олди, лабланмаган деб тасниф этилади. Тарихан эса унинг икки варианти: қаттиқ *а* ҳамда юмшоқ *ә* вариантлари мавжуд бўлган.

а кенг, қаттиқ, лабланмаган сифатида қадимги туркий тилда (ʌ ʌ) ҳарфий белгисига эга бўлган ва фаол қўлланган, бир белги *а* унлисининг қаттиқ вариантини ҳам, юмшоқ вариантини ифодалайверган, сўзда қайси вариантнинг келишини кўп ўринларда ўзакдаги ундош белгилаган. Масалан: *Табғач, қанын, алқынты, таш; бән, элингә, тәмшиш, әрти.* (Тўнжук битигтоши).

Алишер Навоий асарларида *сен* кишилиқ олмошининг *сен//сән* вариантлари тенг қўлланганлиги улар орасидаги фонологик фарқ ўша пайтдаёқ йўқолганлигини кўрсатади. Бу товушлар орасидаги фарқ 1934 йилдаги имло қоидаларида ҳам ўз кучини йўқотмаган эди.

Имло қоидаларимиз бу унлининг конвергенция натижасида оралик *а* га бирлашганини белгилаб қўйган бўлса-да, бир унлининг икки варианти – фонетик реликт сифатида ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳамон яшаб келмоқда. Масалан:

²⁰ Қаранг: 1921 йил январда бўлган биринчи Ўлка ўзбек тил ва имло қурултойининг чиқарган қарорлари. – Т : Туркистон Жумҳуриятининг давлат нашриёти. 1922. – Б. 16.

*Менинг борим эрур кўнглим,
Менинг ёрим эрур кўнглим ...*

(Мухаммад Юсуф)

*Кўрдим сулувларнинг энг фарангларин.
Ё худбинман мен, ё бир содда касман **ман** –
Парижнинг энг гўзал ресторанларин,
Битта тандирингга олишмасман **ман**.*


(Иқроф. Мухаммад Юсуф)

Бундан ташқари, *ә* ҳамда *а* I ва II шахс birlikдаги шахс-сон кўшимчаларида ўзгармас коида бўлиб истемол этилиши ҳеч кимда монелик тугдирмайди; эгада *э*, кесимда *ә* қўлланилишидаги фарқлар ҳам ўзбек жамияти учун табиий коида бўлиб туюлади. *Мен келганман. Сен борасан* каби.

э унлиси ҳақидаги фикрлар тилшунослар орасида мунозарали²¹. Чунки бу унли *ә* нинг дивергенцияси натижасида юзага келганлиги олимлар томонидан исбот этилган²². Унинг реликтолингвистик белгилари ўзбек тилининг ўгуз лаҳжасида *эр, әк, әт; әркәк, әләк, әшкәк* сингари сўзларда сақланиб қолган. Шунинг учун ҳам ҳозирги ўзбек ўзбек тилида I ва II кишилиқ олмошлари *мен//мән, сен//сән* тарзида тенг қўлланади.

Демак, конвергенция натижасида юзага келган индифферент, кенг, лабланган *а* унлисининг дивергент вариантлари ҳозирги ўзбек тилида фонетик реликтив birlik сифатида:

3-чизма.



тарзида яшаб келмоқда ва бу ҳолат мозийнинг тарихий илдишлари *а* товуши мисолида ҳали ҳамон тилимизда ўз аксини топиб турибди. Бу эса ўзбек тилида *а* унлиси фонетик хаос бўлиб тилимизнинг фонетик тизими таркибида истемол этилиб келинаётганлигининг исботидир.


О унлисининг реликтивлик белгиси унинг лабланган-лабланмаганидир. Чунки бир қатор олимлар уни лабланган, бошқалари эса лабланмаганлар сирасига киритадилар. 1934 йилги имло қоидаларида *о* унлиси умуман четда қолган. Чунки *а* ва *о* алмашинуви ўзбек тилида барча ҳолларда юз бериши мумкин. Бундан ташқари, *о* ва *а* унлиларининг қўлланилишидаги ноқатъийлик ҳам қадимги туркий тилнинг мероси ҳисобланади: *катта ~ котта, ака ~ока, она ~ ана, бор ~ бар*.

²¹ Сайфуллаева Р. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент. 2010. – Б. 76; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳмагуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи. 1975. – Б. 75; Шоабдурахмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи. 1980. – Б. 45; Абдуазизов А. Ўзбек тилининг фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Ўқитувчи. 1992. – Б. 97.

²² Неъматов Ҳ.Ф. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. – Тошкент: Ўқитувчи. 1992. – Б. 38.

Демак, *o* унлисининг фонологик қиймати ҳозирги ўзбек тилида ҳам ҳали тўлиқ шаклланиб бўлмаган, шунинг учун ҳам *o ~ a* параллели реликтив мавжудлик сифатида тилимизда сақланиб қолган.

4-чизма.




Бунда лисоний анъана *a* лашишни тақозо этса, янгилашиш даражаси *o* ловчиликни талаб қилади, шу сабабдан ҳам бу унлиларнинг тенг қийматлилик белгиси ҳамон ўз кучини сақлаб турибди, унинг қайси томонга силжишини тарих ҳукмига ҳавола деб тасаввур этиш керак бўлади.

o, o, y, y фонемалари катта ўзгаришларга учрамай, эски туркий тилдан эски ўзбек тилига ўтган ва ўзларининг фонологик қийматини – сўз маъноларини фарқлаш вазифасини сақлаб қолган.

Лабланган унлилардаги фонетик ходисаларнинг тарихий излари бугунги жонли ўзбек тилида сақланиб қолганлигига талай маълумотлар гувоҳлик беради. Чунончи, кипчоқ лаҳжасининг ҳам қарлуқ лаҳжасининг ҳам кўпгина шеваларида *o* ва *y* ўрнида *o* унлисининг фаол қўлланишини кузатиш мумкин. Масалан: *шул ~ шол, қуй ~ қой, қўй ~ қой, турсун ~ торсун, тўра ~ тора* каби.

Янги ўзбек тили даврига келиб конвергенция ходисаси туфайли *o* ва *o* дан ҳозирги қаттик, ўрта кенг, лабланган *y* ҳамда *y* ва *y* дан қаттик, тор, лабланган *y* фонемаси шаклланди. Бу жараёни чизмада қуйидагича кўрсатиш мумкин:

5-чизма.



Хулоса шуки, қадимги туркий тилдаёқ бу унлилар орасидаги кескин фарқ мавжуд бўлмаганлиги сабабли улар бир белги билан ифодаланган, унинг акс-садоси эса ҳозирги ўзбек тилида ҳам реликтив қолдик сифатида намоён бўлиб турганлиги айни ҳақиқат.

***и* унлиси.** Бу унлининг тил олди, тор, лабланмаган *и* ҳамда тил орқа, тор, лабланмаган *ы* вариантлари қадимги туркий тил даврида алоҳида фонема сифатида мавжуд эди. а) *ыдымыс* (КТб, 7) – юборган; *йышгару* (Тўн, 15) – ўрмонга; б) *ичрәки* (КТМ, 2) – қарам; *билсәр* (Тўн, 6) – билса. Шунга биноан *и* унлисининг реликтивлик хусусиятини бугунги ўзбек тилининг ситуатив ёки позицион жиҳати билан боғлаш ўринли бўлади, деган хулосага келиш мумкин.

Сингармонизм. Қадимги туркий тил (КТТ) ва эски туркий тил (ЭТТ)да сингармонизм қатъий қонуният эди. Кейинчалик вақт ўтиши билан бу қонуният аста-секин заифлашиб борди. ХўАТда бу ходиса йўқ деб эътироф этилади. Аммо унинг қолдиклари ҳозирги тилимизда фонетик реликт сифатида сақланиб турибди.

I. Каттик ўзакли сўзлар: *чиқ+қан, бутоқ+қа, чироқ+қа; ёруз+қа=ёруққа, чироз+қа=чироққа;*

II. Юмшоқ асосли сўзлар: *илиг+ка=иликка, эшик+ка=эшикка, билакка, юракка, тилакка* ва ҳоказо. Аммо ҳозирги ўзбек адабий тилида шундай сўзлар борки, уларнинг таркибида юкоридаги икки жуфт ундошлар мавжуд эмас, лекин уларнинг каттиклигини билдирувчи унсурлар бугунги кунда ҳам ўзлигини йўқотмаган. Масалан:

а) лабланмаган унлили ўзакларда: *силлиқ, иссиқ, сариқ, чирмовуқ;*

б) лабланган унлили ўзакларда: *совуқ, товуқ, дудуқ, узуқ, бузуқ, сувлуқ, тузлуқ* каби.

Ўзакнинг юмшоқ асосли эканлигини белгилаш унинг каттиклигини аниқлашдан кўра анча мушкул. Чунки бундай хусусиятни англашга бўлган фонетик ишора кўзга ташланмайди, индифферент унлилардан фойдаланувчи ўзбек адабий тили бунга имкон бермайди. Аникроги, бу белгиларнинг фонологик қиймат касб этиши бизнинг тилимиз учун тарихан жуда узоқлашиб кетган. Шундай бўлса-да, катрада куёш акс этганидек, элас-элас – ўта хира ҳолда етиб келган сакланмалар ўзакнинг юмшоқ тарихли эканлигидан гувоҳлик беради. Масалан: а) лабланган унлили ўзакларда: *узлуксиз, узук, сузук, тузук, зулук, мук, туйнук, етук;* б) лабланмаган унлили ўзакларда: *ичкилик, бирик, севикли, эмизикли, бирлик, чекка, тикка, тешик* ва ҳоказо.

Туркий тилларда ундошларнинг мос келиш ва алмашинувлари хилма-хил, улардан анча кенг тарқалганлари ўзбек тилида ҳам мавжуд. Бундай жараён алоҳида тадқиқ манбаи бўлиши мумкин, биз уларнинг айримлари, нисбатан баландроқ мавқега эга бўлганлари сифатида куйидаги турлари хақида фикр юритишга ҳаракат қиламиз:

1. **Ротаицизм ҳодисаси.** Ротаицизм – грек тилидан олинган бўлиб, бирор товушнинг “р” га ўтиши демакдир. Бу фонетик ҳодиса роман-герман, славян, мўгул ва туркий тиллар гуруҳи учун умумий ҳисобланади.

Ҳозирги чуваш тили ўтмишдаги булгор ва ҳазар тилларининг тарихий давомчиси сифатида ротаицизм ҳодисасини ҳам мерос қилиб олган. Шунинг учун ҳам унда бошқа туркий тиллардаги *й/з/ш/с/т* ва бошқа товушлар ўрнида *р* ундошининг алмашинуви қатъий. Масалан, *хер* “қиш”, *хуран* “қозон”, *чир* “тиз//тизза”, *этир* “биз” *шар-* (*сий-*) «сиймоқ», *ура* «оёқ»; *керу* «куёв»; *сар* «ёймоқ»; *ира* (*ийи/ийги*) «яхши», *арак* “этик” ва ҳоказо.

Бундай ҳодиса тилимизда товуш алмашилиши сифатида *ўткармоқ ~ ўтказмоқ, биткармоқ ~ битказмоқ, қарормоқ ~ қораймоқ, оқирмоқ ~ оқизмоқ,* жуфтликларда ўз исботини намоён қилади. Тилимизда баъзан фонетик сўз ясалиши деб талқин этиладиган *кўз ~ кўр-, семиз ~ семир-* кабилар ҳам шу қадимги товуш алмашинуви қолдиқларидир.

2. **Ламбдаизм** (лаблашиш) ҳодисаси. Ламбдаизм – тарихан бирор товушнинг (л) товушига ўтишидир, атама юнонча лёттер (λ “ламбда”) ҳарфидан келиб чиққан. Бу жуда кам учрайдиган фонетик ҳодиса бўлиб, у туркий тиллардан фақат чуваш тилида яққолроқ, қатъийроқ сакланиб қолган. Ундаги “л” лашув мўгул, тунгус-манжур тилларидаги вариантыга ўхшайди,


масалан: чуваш тилида *кёмёл* – мўгул тилларида *көмеш* ”кумуш”, чуваш тилида *утмәл* – туркий тилларда *алтмыш*, чуваш тилида *хёл* – туркий тилларда *қыш*.

Ламбдаизм конуният бўлмаса-да, ўзбек тилига узок ўтмиш – олтой даврининг хира сояси сингари етиб келган. Ламбдаизм бошка тилларда инлаутда содир бўлса, ўзбек тилида анлаутга кўчган кўринишда вокеланади. Масалан: *эшик* ~ *элак*, (*эшик-элик* жуфт сўзида ҳам), *бешик* ~ *беламоқ*, *эсмоқ* ~ *йэлмоқ* каби.

3. Анлаутда келадиган /й/ : /ж/ : /ж/ алмашинуви туркийшуносликнинг мунозарали масалаларидан бири бўлиб, карлук тиллари учун меъёрий саналадиган анлаутдаги /й/ кичкоқ тилларининг кўпчилигида мунтазам равишда /ж/ ёки /ж/ га ўтади. Масалан: ўзбек тилида *йўқ*, козоқ тилида *жоқ*, ўзбек тилида *йоз*, козоқ тилида *жаз*. Бундай мос келиш ҳам тилимизда кам бўлса-да, учраб туради. Қадимги туркий тилнинг архаик белгилари сифатида ҳозир *йуң* ~ *жун*, *йўналмоқ* ~ *жўнамоқ*, *йормоқ* (фёлидан) ~ *жар* (оти) параллеллари адабий норма сифатида ишлатилиб келинмоқда; тилимиздаги жўналиш келишигининг номи ҳам шу фонетик ҳодисанинг тарихий изларидан биридир.

4. Ауслаутда /с/ ~ /ш/ алмашинуви кичкоқ гуруҳ тилларининг (қараим, бошқирд, нўғай, қорақалпоқ, козоқ) хусусияти саналади: ўзбек тилида *беш* ~ козоқ тилида *бес*, ўзбек тилида *баш* ~ козоқ тилида *бас*. Ўзбек шеваларида ҳам шу алмашинувнинг белгилари кенг тарқалган: *супурги* ~ *шипурги*, *сувамоқ*~*шувамоқ* тарзида.

Эски ўзбек тилида /й/ : /θ/ : /з/ : /ð/ кўринишларида истеъмолда бўлган фонетик алмашинув ҳозирги ўзбек тилида ҳам сақланиб қолган. θ-ловчи тил бўлган X-XII аср эски туркий тили (қорахонийлар даври адабий тили)нинг айрим сифат ўзгаришлари билан ҳозирги тилимизда ҳам учрайди.



Ундошлар мос келиши ва алмашинувлари туркий тилларнинг ундошларида бўлгани каби ўзбек тилида ҳам беҳад катта ранг-барангликка эга. Тилимиз захираси бўлмиш унинг шеваларида туркий тиллар ундошлари тизимида мавжуд бўлган деярли барча товуш мос келишларини, товушлар алмашинувларини учратиш мумкин. Сабаб шундаки, ўзбек халқи ва тилининг

шаклланиш тарихи талай мураккабликка эга бўлиб, бу жабха тарихнинг узок-узок сархадлари билан боглик. Инчунин, ўзбек тилидаги ўзига хос хусусият саналадиган товуш мос келиши ва алмашинуви туркий элат ва халкларнинг этник асоси тарихан бир умумийлик касб этганлигининг лисоний даракчиси ҳисобланади.

Диссертациянинг учинчи боби “**Ўзбек тили лексикасининг бинар аспекти**” деб аталган. Лексиканинг мавзувий гуруҳлари беҳад кенглиги туфайли ишда унинг топоним, антропоним ҳамда зооним гуруҳларининг реликтолингвистик тадқиқини бериш билан чекланилган.

Бу бобнинг “Реликтолингвистиканинг ўрганилиш тарихи” деб аталган биринчи бўлимида ўзбек тилшунослари С. Муталлибов²³, Ҳ.Неъматов, Н.Ахматов²⁴, Ҳ. Дадабоев, З. Ҳамидов, З. Холмонова²⁵ Ш.Р. Усмонова²⁶, С.А.Рустамова²⁷, Америка тилшуноси Ж. Гринберг²⁸, рус тилшуноси Н.А.Ганина²⁹, осетин тилшуноси Ю.А. Дзиццойти каби олимларнинг тилнинг диахрон-синхрон тадқиқига багишланган илмий асарлари борасида фикр юритилади.

Ушбу бобнинг иккинчи бўлими “Диахрон топонимлар тадқиқида синхронизация” номи билан аталиб, ўзбек тили топонимларининг этимологик талқини сўгд, мўгул ва туркий этимологик катламлар доирасида тадқиқ қилиниб, бундай ономастик бирликларга:

бош- (Бошчел); *оқ-* (Оқота); *пар-бар-вар* “баланд”, “юкори” (Парметан); *гус* (*хас ~ хас ~ хаи < қас ~ кас ~ гус* “булоқ”, “канал”, “ховуз” (Сархара, Масхара; *куҳ* “тоғ” (Кўкчагат); *ди < диз//жиз* “қалъа”, “қўргон” (Каманди); *кит~кот~кат* “уй, ховли, қўргон, қалъа” (Жизза, Котиб, Китоб) тарзидаги сўгдча унсурли;

хан//қан (“дара” (Бошқоп); *асга ~ аска* – “тош уюми” (Асқартоғ), *йам* “станица” (Йамчи>Йомчи); *ирғи-* “тез”, “илдам” (Ирговул – тотем); *мўгул* (Муглон) сингари мўгулча таркибли;

инга- таркибли (Ийначи (*инган* – ургочи туя, сигир эса *ингак*, *инг+га* – товушга тақлид – тотем), *Араловул*, *Тузлоқтўқай*, *Иссиққўл*, *Итбулоқ* сингари композиция йўли билан ясалган туркий топонимлар мансублиги реликтолингвистик жиҳатдан тадқиқ этилган.

“Антропонимларнинг тарихийлик ва замонавийлик муносабатида ўрганилиши” деб аталган учинчи бўлимида киши исмларининг реликтолингвистик хусусиятлари ҳозирги ўзбек адабий тили меъёрларига нисбатан қуйидагича даражаланиб тадқиқ этилди:

²³ Муталлибов С. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк (XI аср ёзма ёдгорликлари асосида). – Тошкент: Фан, 1959.

²⁴ Неъматов Ҳ., Ахмедов Н. Ўзбек тилининг тарихий лексикологияси. – Бухоро, 1987.

²⁵ Дадабоев Ҳ., Ҳамидов З., Холмонова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. – Тошкент: Фан, 2007.

²⁶ Усмонова Ш.Р. Олтой тилларидаги муштарак маиший лексика: Филол. фан. ... докт. дисс. – Тошкент, 2011.

²⁷ Рустамова С.А. Кошгарий дугатининг лексикографик хусусиятлари: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 1998.

²⁸ Квантитативный подход к морфологической типологии языков. – Новое в лингвистике. Вып. III. – М., 1963; Антропологическая лингвистика: Вводный курс. – М., 2004.

²⁹ Ганина Н.А. Реликты готской апеллятивной лексики в латинских памятниках // Вопросы языкознания. – № 5, 2013. – С. 68–72.

1. Реликтивлик хусусияти юкори даражада сақланган антропонимлар: *Алпон* (ўз.) – довюрак жасур, ботир; *Барлос* (ўз.) – мард, ботир; саркарда; *Берка* – берк-махкам, мустаҳкам ёки яширилган, пинхон тутилувчи киз.

2. Қолдиклик даражаси ўртача бўлган реликтив антропонимлар: *Олчин* (ўз.-мўғ.) – лочиндек жасур (метатеза); *Қирғиз* (Қирғизбой) (ўз.<қад.т.) – боланинг кўриниши қирғизга ўхшагани учун берилган исм; *Қозоқ* (ўз.<қад.т.) – кўриниши қозоққа ўхшагани учун шундай аталган; *Баҳодир* (ўз. мўғ.) – ботир, паҳлавон; довюрак деган маънони англатади.

3. Реликтивлик белгиси паст ёки нейтрал бўлган антропонимлар: *Абжир* – чакқон, моҳир, эпчил; *Ардоқ* – хурмат, эъзоз, иззат-икромга сазовор; *Асов* – тутқич бермас, эркин, хур.

Шунингдек, туркий антропонимларда реликтиволингвистик нуқтаи назаридан: *Бўкай* ~ *Барлос* ~ *Эран* ~ *Алпон* қаторида синонимлик маъноси мавжудлиги, *Оқбой* ~ *Қорабой*, *Кўжасак*//*Кўжик* ~ *Ушоқ* сингари исмлари шахсинг этикети, улар антонимлик қийматига эга эмас, антонимлик фақат лисонда мавжуд бўлиши таҳлил этилган.

Учинчи бобнинг тўртинчи бўлимига “Зоонимларнинг реликтолингвистик таснифи” деб ном берилган ва тилда зоонимлар сон жиҳатидан кўп ададлилик хусусиятига эга бўлганлиги учун уларни: а) сут эмизувчи уй ҳайвонлари номлари; б) ёввойи сут эмизувчи ҳайвонлар номларига ажратилган ва уларда сақланиб қолган тарихий қолдиқлар ҳақида баҳс юритилди.

1. Сут эмизувчи уй ҳайвонлари номларида тарихийлик.

От зооними *ай- айғир* (Х.Вамбери), *ағта* “ахта от” (С.Мураяма) асосларидан келиб чиққан дейилади. Бундан ташқари, *от* зооними учун “тезлик”, “суръат” семалари асос бўлганлиги эҳтимолдан узоқ эмас ва ўзбек тили “о”ловчи тиллар сирасига мансублиги сабабли *ат* > *от* алмашинуви содир бўлган, дейиш мумкин.

Эшак эш “ўртоқ” (В.Банг, Г. Дёрфер) ўзагидан шаклланган, шунинг учун ҳам ўзбек тилида *Эшпарда*, *Эшмурод*, *Эшқобил* исмлари юзага келган.

Эчки таркиб жиҳатидан ясама эканлиги аён бўлиб турибди: *эч* – ўзак, *-ки* – ясовчи қўшимча. Ўзакнинг этимологик тақдири номаълум бўлса-да, *-ки* ясовчиси фонетик ва сингармонистик вариантлари билан от ясовчи сифатида зоонимларда ҳам: *буғу*; бошқа сўзларда ҳам – *бурғу*, *туйғу*, *қайғу*, *чопқи*, *кулги*, *тепки* каби сақланиб турибди.

Улоқ сўзи *оғул* + *ақ* (Э.В.Севортян), *о(ғ)ул* (А.Йоки) дан келиб чиққанлиги уқтирилади, ҳақиқатда эса *улоқ* сўзи таклид сўздан шаклланган бўлиши мумкин: *ўғ+лоқ* тарзида, чунки шу колипнинг аналог *йиғлоқ* тилимизда фаол қўлланади.

Инак (сигир) – *ин* отига *-ак*, *-эк* кичрайтириш-эркалаш қўшимчасини қўшишдан юзага келган (Малов, 331). 1. В.Шоттнинг кўрсатишича, унутилиб кетилган *ин* ўзаги эркалаш маъносини англатган. Кейинчалик *ина* “она” маъноси юзага келган. *Ини* “ука” сўзи ҳам шу асосда юзага келган, *-ак* кичрайтириш эмас, эркалаш маъносинининг ифодаси учун қўшилган. 2. *Ин* ўзаги асосан женский родга тегишли от учун қўлланади. Ўзбек тилидаги *энчидор* “ургочи улоқ” маъноси ҳам шундан келиб чиққан.

2. Ёввойи сут эмизувчи хайвонлар номларида ўтмиш колдиклари. Қоплон сўзини Э.В.Севортян қоплон сўзи қап- “тутмок”, -ла – тезлик маъноси билан боғлайди, Г.Рамстедт қап- “тутмок”, -лан < лаң аффикси эса мўгул тилида лаң “хайвон” сўзининг қўшимчага ўтган шаклидир, деган тўхтамга келишади.

Сиртлон зоонимининг шаклланишини Э.В.Севортян ҳам сырыт- “тиржай” феълига -ла ҳаракатнинг ортиқлигини билдирувчи қўшимча қўшилиб ҳосил бўлганлигини таъкидлайди.

Илон сўзининг этимологияси олимлар томонидан турли-туман талқин қилинади: Х.Вамбери *йылан* сўзи *йил*- “йилтирамок” (Vam. РС 210), Л.З.Будагов *йылан* “судралиш” (Буд. II 362), Э.В.Севортян *жыл*- < *йыл*- “судралиб юриш” феъли асосида пайдо бўлганлигини қайд қилишган.

Қуён зооними қадимги ёзма ёдгорликларда *қойан* ~ *қодан* шаклларида учрайди. Бу сўз ИРТЛТЯда *қовган*, *қовгун* шаклларида қайд қилинган, Банг ҳам шу шакл ва маънони тасдиқлайди. Бу ёввойи хайвон номининг энг қадимги аталиши *қабығ* + *лан* “қочувчи жонивор” бўлиши ҳам мумкин.

Арслон – тақлид сўздан -лан сўз ясовчиси орқали юзага келган (Брокк. 76, б). Қозок тилида итнинг хуриши *арс-арс* деб аталади (арс-арсламок). -лан қоплон, сиртлон сўзларидаги каби жонивор маъносини билдиради. Ўзбек тилида *арсилда*- феъли протетик товуш билан *ҳарсилла*- тарзида қўлланади. Шундай қилиб, *арслон* зоонимининг ўзбек тилидаги маъноси “ҳарсиллайдиган хайвон” бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Тўртинчи боб “Сўз морфем таркибининг реликтолингвистик талқини” номи билан аталган бўлиб, унинг биринчи “Ўзбек тили морфологик сатҳнинг ўрганилиши” бўлимида рус мумтоз грамматикачиларидан бошланган илмий тадқиқот анъанаси ўрта асрлардан бошланган бўлиб бугунги кунгача кенг режада тадқиқ этилаётганлиги рус, Ғарб ва ўзбек олимларининг амалга оширилган ишлари асосида ёритилади³⁰.

“Морфологик тарихий колдикларда вариантлашув” деб номланган иккинчи бўлимида тилимиздаги ўз унумдорлигини йўқотган сўз ясовчи қўшимчаларнинг ҳозирги ўзбек тилидаги иштироки икки йўсинда баҳоланган: 1) сўз ясовчилик имкониятини сақлаб қолган қўшимчалар; 2) ўзак таркибига сингиб ўз мустақиллигини йўқотган қўшимчалар. Уларнинг талқини қуйидагича:

I. -оқ, -ак, -қ, -к – феълларга қўшилиб шахс, курул ҳамда ўрин оти ясовчи қўшимчалар. Бу ясовчилар ўзбек тилида икки хил хусусиятни намоён қилади:

1. Қўшимча сўз ясовчилик имкониятини сақлаб қолган ҳолатлар:

³⁰ Батманов И.А. Язык енисейских памятников древнетюркской письменности. – Фрунзе, 1959; Brockelmann С. Mitteltürkische Wortshatze von Mahmud al Kasgari. – Leipzig, 1928; Gabein von. A. Ostturkische Grammatik. – Leipzig, 1950; Vamberi Н. Etimokogisches Wörterbuch der Turko-tatarischen Sprachen. – Leipzig, 1878; Nemeth Gy. Az urali es a török nyelvек ousi kapossolata. – NyK, XLVII, вып. 1, 1928; Фозилов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. – Тошкент, 1966; Рустамов А. XV-XIX асрлар ўзбек тили морфологияси (исмлар, равиш, кўмакчи, боғловчи). – Тошкент, 1970; Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. – Тошкент: Фан, 1966; Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл замонлари тараккиёти. – Тошкент: Фан, 1976; Хўжаев Т. Ўзбек тилида феъл ва майл, замон ва майл масалалари. «Труды СамГУ». Новая серия. Вып. – № 124. – Самарканд, 1963; Рустамов Т. Соф кўмакчилар. – Тошкент: Фан, 1991; Тожиев Ё.Т. Ўзбек тилида аффиксал синонимия. – Тошкент: Университет, 1991; Усманова М.К. Ўзбек тилида сўз морфем таркибининг соддалашиши: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)... дисс. автореф. – Самарканд, 2018.

- а) -к// -ок: қочоқ, қолоқ, бүйеқ, сўроқ, оғриқ, қавиқ, буйруқ, ютуқ, тутуқ;
в) -к// -ак: элак, безак, тилак, сўлак, курак, юксак, қарсак, югурик, чирик.

2. Қўшимча ўзак таркибига сингиб ўз мустақиллигини йўқотгандаги холатлар:

а) -к// -ок: чаноқ, нўноқ, увоқ, сўпоқ, йироқ, чироқ, бутоқ, пичоқ, учоқ, пўчоқ, машоқ, ушоқ, учуқ, пучуқ, чўлоқ, тайоқ, қулоқ;

б) -к// -ак: тувак, ўрнак, чакак, челақ, билак, желақ, эрмақ, кепак, телпақ, терақ, кесақ, юксақ ва ҳоказо.

Дарслик ва қўлланмаларда бу қўшимчаларга камунум ясовчилар сифатида муносабатда бўлинади, бироқ мазкур қўшимчалар иштирок этган, лекин асос таркибига ўтиб лексикализациялашиш хусусиятлари хақида фикр билдирилмайди, кўринадики, уларга туб сўз сифатида қаралади. Боиси, бу қўшимчаларни қабул қилган асоснинг бугунги ўзбек тили меъёрлари доирасидан чиқиб, формасида қандайдир ўзгариш содир этилганлигидадир. Яъни чаноқ сўзининг ўзаги чан-, нўноқ сўзининг ўзаги нўн-, сўпоқ сўзининг ўзаги сўп-, ўрнак сўзининг ўзаги ўр-, увоқ сўзининг ўзаги ув- тарзида тасаввур қилиниши мумкин эмас, бунинг учун бу асосларнинг этимологик талқинини билиш, илгаш талаб этилади.

Вариантлашув қадимги туркий тилнинг қолдиғи сифатида бир форма бир неча сўз туркумларининг вужудга келиши учун хизмат қилади.

Қадимги туркий тилда -зу фаол истемолда бўлган, лекин унинг истемол даражаси тор бўлиб, фақат аниқ от ясовчи қўшимча сифатида мавжуд бўлган: бич (кес-) – бичғу (кесадиған асбоб); қана- (қон чикмоқ) – қанағу (қон оладиган асбоб) каби.

Кўплик шаклларида вариантлашув. Ўзбек тилида сон маъноси бир неча усуллар билан ифода этилса-да, морфологик жиҳатдан фақат -лар кўрсаткичи билан воқеланади. Сингармонизмли туркий тилларда унинг сони 6-12 тагача етади.

Ҳозирги ўзбек тилида қадимги туркий тилда бир қисми қўлланган, аслида боботил даврида мавжуд бўлган отлардаги сон кўрсаткичини ифодаловчи шаклларнинг анчагинаси мавжуд, лекин уларни махсус тадқиқ қилмасдан туриб англаб етиш мушкул. Чунончи:

1. **-т:** бу аффикс қадимги туркий тилда анча сермахсул қўшимча бўлган. Масалан: бегин (бек) – бегит (беклар), тегин (шахзода) – тегит (шахзодалар), эл – элат.

Қадимги туркий тилда кўплик сон кўрсаткичини ифодаловчи -т аффикси ҳозирги ўзбек тилида ҳам баъзан бирлик, баъзан кўплик сонни ифодаловчи рудимент ёки сўзнинг моддий таркибининг бўлинмас қисми бўлиб сақланиб қолган. Масалан: ўгин – ўгит, ува – уват, ёзиг – ёзгит каби.

2. **-з:** з ундошининг кўплик маъносини англатиши баҳсталаб, аммо етарлича асос бор. Ўзбек тилида тиз, кўз сўзларида жуфтликни биз (бирликда – бэн), сиз (бирликда – сэн) олмошларида шахс кўплиги, ўғуз (оғ – уруг номи+уз), қирғиз (қирқ+из) сўзларида халқ кўплиги, кўкс < кўк+уз сўзида (тана аъзоси кўплиги) маъноларини англатиб келган. Бироқ бу сўзларнинг бирлик ёки кўплик сонда турганлигига эътибор берилмайди. Шундай бўлса-да, улар азалий архисемалари билан тилимизда яшаб келади.

“Морфологик бирликларда шакл ва маъно номутаносиблиги” бўлимида грамматик шакллар орасидаги зидланиш, унинг тарихийлик моҳияти борасида баҳс юритилади.

Қаратқич келишиги дастлабки туркий тилларда, яъни қадимги туркий тилларда қўлланмаган. У даврда қаратқич келишигининг вазифаси икки отнинг синтактик алоқаси орқали юзага келган. *Қырғыз кучүг қазан йағымыз болты* (Қирғизнинг қудратли хокони душманимиз бўлди). Кейинги матнларда эса қаратқич келишиги белгили қўлланишга ўтган. 1. *Турғаш қазан анча тәмши: бәнинг бодунум анта әрир, тәмши* (“Турғаш хокон шудай дебди: менинг халқим ўша ерда бўлади, тепти”) [Тўнжук битигтоши].

Навоий асарларида такрорланган шу икки ҳолат ҲЎТда ҳам давом этган. Қарашлилик ҚТТдан Алишер Навоий давригача қаратқич келишиги қўшимчаси билан ифодаланган. *Эй ана, сен қайу элниң-сен?* (Қиссаси Рабгузий”).

*Ани дафъ айласам олам мениңдур,
Бу меҳри оламоро ҳам мениңдур* (ФШ. 274).

Бобур асарларида эса мавҳум эгалик *-нинг* билан ҳам: *Ҳар вилайатким мусаҳҳар болса, чаҳār данг мирзāның болгай, ду данг аның.* (БН). (*-ники* билан ҳам шаклантирилган (б). *Көңгүлдә ул әди ким,... Шайх Бāйазидни Танбалдын айириб бизники болгай* (БН).

Жўналиш келишиги: Ҳозирги туркий тиллардаги жўналиш келишиги қадимги туркий тилда ҳам имкониятлари чекланган ва ҳозирги туркий тиллар учун архаик ҳисобланган *-ғари// -қари, -ғари// -қари, -ра* шакли ўзбек тилидаги *илғари, ичкари, ташқари, ичра, узра* каби айрим сўзлар таркибида учрайди.

Ҳозирги ўзбек тилининг лугат фондидан *эран-қаран* ҳамда *кечқурун* равишлари ҳам ўрин олган. Уларнинг пайт маъносини англантишини англаш қийин эмас. Бироқ *эран-қаран* сўзи на шакл ва на маъно жиҳатидан ҳозирги ўзбек тили меъёрларига тўғри келади. Шунинг учун “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да сўзнинг изоҳи ёки тавсифи берилмаган, чунки изоҳлашга асос йўқ.

ЭРАН-ҚАРАН айн. *элан-қаран*. [Боланинг] *Қадам олиши эран-қаран.. заранг таёғи чазир тошларга тегиб, енгил сакрайди.* Э.Аъзамов, *Олам ям-яшил.* Улар **эран-қаран** ўринларидан *туришди.* Ш.Холмирзаев, Сайланма. *Тўдадан икки киши ажралиб, эран-қаран унинг ортидан юрдилар.* Н.Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. (“Ўзбек тилининг изоҳли лугати”, 5-том. – Б. 46). Имло қоидаларида ҳам ундаги икки унсурни чизикча билан ажратиб ёзиш белгилаб қўйилган.

Эран-қаран сўзининг морфемик таҳлилини қуйидагича келтириш мумкин:

Биринчи унсур – ўзак: *эр* – ўрин, томон (куёш томон) маъноларини билдиради, *-ан* қадимги туркий тилда серунум аффикс бўлган восита келишиги қўшимчаси; *-қаран* жўналиш келишиги қўшимчаси *-қару* ҳамда восита келишиги аффиксининг *-н* нинг қўшилиб, соддалашувидан юзага келган. Шунинг учун ҳам бу сўзнинг аналоги олтой тилида *эринғари* (кечқурун) қадимги ҳолатда сақланиб қолган. Демак, *эран-қаран* сўзини “кечикиб”, “оромида” маъноларини ифодалашини “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”га киритса бўлади.

Ўрин-пайт келишигининг реликтолингвистик талкинини келтириш учун қадимги туркий тилдаги қурол-восита келишигининг бугунги аксига мурожаат қилишга тўғри келади. Қадимги туркий тилда қурол-восита келишиги қўшимчаси *-ын// -ин* турли грамматик маъноларни ифода этган. Ҳозирги ўзбек тилида бу қўшимчалар келишик аффикслиги вазифасини инкор қилиб, ўрин-пайт равишлари деб юритиладиган айрим сўзлар таркибида сақланиб қолган ва улар энди ўрин ёки пайт равиши вазифасини бажарадилар, яъни: *қилин-ёзин, очин-тўқин* каби. Бу аффиксларда аввалги восита маъносини кўрсатиш унутилган бўлса-да, тилимизда морфологик рудимент сифатида ўрнини сақлаб турибди.

Ўрин-пайт келишиги форма ҳосил қилувчи бўлса ҳам, тарихан сўз **ясовчилик имкониятига эга бўлган эди**. Бу қўшимчалар ўзак табиатига мос равишда ўзгаришга учраши туркий тилларнинг сингармонистик имконияти билан боғлиқ ҳодиса саналади. Масалан, *эрта* сўзи архисемаларининг таснифи шу фикр исботи бўла олади.

Эрта – эр “эрталаб” маъносини ифода этувчи асосга ўрин-жой келишиги қўшимчаси *-та* нинг қўшилиши билан ҳосил бўлган. В.Банг унинг генезиси ўртақенг унлили *эртэ*дан ривожланганлигини кайд этади. Э.Р.Тенишев эса кенг унлили *эртэ* ўзагига ўрин-жой келишиги қўшимчасини қўшиш орқали юзага келган ва “аллақачон”, “олдин”, “эрталаб” маъноларини ифодаловчи лексик бирлик деб кўрсатган. *И:р ~ эр* ўзаги *ir* билан гомоген асослигини Махмуд Кошгарий (Д. 1–464) “куёш томон” маъносини билдиришини ёзган.

Ҳозирги ўзбек тилида эса *эрта* сўзида ясамалик белгиси сезилиб туради, аммо уни морфемаларга ажратиш имконияти унутилган.

Тўртинчи бобнинг тўртинчи бўлими “Морфемалар тадқиқида функционал аналогия” деб аталган бўлиб, ҳозирги ўзбек тили учун бундай сербахс, мунозарали масаланинг кўлами ўта кенглиги боис улар қуйидаги йўсинда чегаралаб олинди:

I. Келишик категориясининг сўз маъноси ўзгаришига таъсири.

II. Фонетик фарқланишнинг сўз маъноси ўзгаришига таъсири.

I. Келишик қўшимчалари сўз маъносига таъсир этмайди, улар одатда от ёки отлашган сўзнинг феълга, отга ёки бошқа бирор сўзга грамматик алоқасини – гап қурилишида бўлақлар ўртасидаги муносабатларни англатади. Нутқда бу қоида ҳар доим ҳам тўғри келавермайди. Масалан, жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишикларининг аффикслари баъзан ўз грамматик вазифаларидан йироқлашиб кетган ҳолда ўзбек жамияти нутқида қўлланади.

1. Жўналиш келишиги қўшимчаси бошқа турдошларидан ўзининг кўп вариантлилиги билан ажралиб туради. Бошқа келишик қўшимчалари битта бўлгани ҳолда жўналиш келишиги *-га, -ка, -қа* сингари учта имло қоидалари билан мустақамланган вариантларга эга. Айрим ҳолларда бундай вариантлилик ўз функционал доирасидан ташқари чиқиб, сўзнинг семантик структурасига таъсир этиш хусусиятини намоён қилади. “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да берилган *қайтага, эртага, жўрттага, ўзга, кўндалангига, бирваракайига, майлига* сингари мисолларда *-га* аффикси шундай қиймат касб

этиши кўриниб турибди. Мисол тарикасида биринчи лексик бирлик бўлган *қайтага* сўзининг морфем тузилишини тубандагича белгилаш мумкин:

қай- – сўроқ олмоши, *-т* – орттирма нисбат кўрсаткичи, *-а* – равишдош ҳосил қилувчи аффикс, *-га* – жўналиш келишиги кўшимчаси асосида пайдо бўлган сўз: *қайтага* – равиш. Бироқ бу талкин *қайтага* сўзининг морфологик табиатини акс эттира олмайди. Морфем тузилиши шунга ўхшаш сўзларнинг моҳиятини тарихий-киёсий, этимологик тадқиқ асосида аниқлагандагина сўзнинг морфем моҳияти тўғри ва тўлақонли асосланади.

2. Ўрин-пайт келишигидаги сўз одатда ҳаракат манбаини ёки бошқа бирор предметнинг ўрнини, жойини ёки ҳаракатнинг бажарилишида восита бўлган нредметни кўрсатади. Бу ҳукм нутқда ҳар доим ҳам тўғри келавермайди. Келишик ўрин-пайт деб номланишига қарамасдан, баъзан локатив-аблатив келишиги вазифасини намоёиш этиб, жўналиш келишиги сингари формал-семантик хусусият касб этмаса ҳам, формаларида сўз яшашга нисбатан силжиш содир бўлганлиги сезилади. Масалан: *янада*, *гоҳида*, *баъзида*, *аслида*, *йўсинда*, *камида* сўзларининг аксарияти ўзлашма (*баъзида*, *аслида*, *одатда* – арабча; *гоҳида*, *агарда* – форс-тожикча ёки эроний) тарихий этимологик қатлам (ТЭҚ)га хос бўлса, *йўсинда*, *камида*, *янада*, *қараганда* туркий (ўзбекча) ТЭҚга мансуб.

Бу типдаги сўзларнинг морфем таркибини анализ қиладиган бўлсак: *йўсинда* (от + *да* → модал сўз); *камида* (сифат + *-да* → модал сўз); *янада* (равиш + *-да* → модал сўз); *қараганда* (фёъл + *-ган* + *-да* → кўмакчи) ясалиш асоси ҳам, ҳосила ҳам турли-туман сўз туркумларига бориб тақалишини кўриш мумкин. Шундай бўлса-да, бу сўзларда ўрин-пайт келишиги формаси *-да* сўзга синтактик вазифа юклашдан ташқари лугавий маънонинг ўзгариши учун ҳам хизмат қилмоқда.

3. Чиқиш келишиги энг кейин шаклланган келишиқдир. Қадимги турк тилининг дастлабки даврларида унинг вазифасини ўрин-пайт келишиги ўтаган. Бу келишиқ кўшимчасини олиб келган: *ҳалитдан*, *тубдан*, *бирдан*, *қайтадан*, *тездан*, *атайдан*, *чиндан*, *қўққисдан*, *тўсатдан*, *янгидан* сингари сўзлар “ҳаракатнинг бошланиши, келиб чиқиши, манбаи, ажралиш ўрни, вақти, сабабини ёки ҳаракатнинг бажарилишида восита бўлган предметни билдиришдан” йироқлашиб кетган.

Биз юкорида талкин этган жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишиги кўшимчаларининг номёёрий вазифалар билан қўлланишини Т.Мирзакулов субморфлар (субморф – «морфга ўхшаш»; морф – морфеманинг амалдаги бир кўриниши) номи билан атаган. Бу ўринда чиқиш келишиги кўшимчаси ҳам субморфга ўтган ҳолатда нутққа кирган.

II. Бундан ташқари, сўз ясалишида **морфемаларнинг вариантлашуви** ҳам алоҳида моҳият касб этади. Аслини олганда, кўшимча морфемаларнинг сингармонистик вариантлари асоснинг табиатига мослашиб қўшиладиган бир мавкега эга бўлган аффикслардир. Масалан, **-лик** ва **-лиқ** каттик-юмшоқлиги билан ўзига мувофиқ келадиган асосга қўшила олиш имкониятига эга: *тўлиқ*//*букиқ* (сифат ясалиши); *соғлиқ*//*бирлик* (от ясалиши) каби. Айрим ҳолларда бир асосга

икки сингармонистик вариантли қўшимча қўшилганда ҳам сўзнинг маъносига путур етмайди: *яхшиллик – яхшилик, ёмонлик – ёмонлиқ* сингари.

Шунга карамай, баъзан бу нисбат сифат ўзгаришига томон юз тутуди: бир асосга бир қўшимчанинг икки сингармонистик варианты қўшилганда, ўзакнинг лугавий маъносида ўзгариш юз беради, яъни икки қўшимча морфема икки лугавий бирликни – икки янги сўзни юзага келтиради. Масалан, *борлик* – мавжуд нарса (существование); *борлиқ* – дунё, олам (мир); *тузлик* – тузи бор, *тузлиқ* – дунё, олам каби. Бу каби оппозитив жуфтликни кўн давом эттириш мумкин: *боғлик – боғлиқ; сувлик – сувлиқ, отлик – отлиқ* ва ҳоказо.

Бундай десемантизация ходисаси қадимги туркий тилда анча ривожланган эди. Маҳмуд Кошгарий бир асосга икки сингармонистик вариантли қўшимчани қўшиб икки сўз ясалишига *қатиг* – “қотган”, *қатик* – “қаттик”; *тутуг* – “гаров”, “афсун”, *тутуқ* – “парда” сингари талай мисолларни келтириши юқоридаги лисоний ходисанинг азалдан мавжуд бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Шунингдек, сўз ясалишини аффиксларнинг шевага оид вариантлари ҳам юзага келтириши яна бир муҳим ходиса саналади. Ўзбек тили кўн лаҳжалчилиги билан бошқа барча туркий тиллардан ажралиб туради. Шу боис лексик бирликларда бўлгани каби морфемаларнинг ҳам аралаш қўлланиши ҳолати кузатилади, *чизув – чизиқ, қишлоғ – қишлоқ, санчиқ – санчув, ёзиқ – ёзув* жуфтликларидаги морфологик десемантизация бир асос доирасида юзага чиқади. Яъни *чизув* – ҳаракат номи, *чизиқ* – от, *қишлоғ* – ҳаракат номи, *қишлоқ* от; *санчув* – ҳаракат номи, *санчиқ* – от; *ёзув* – ҳаракат номи, *ёзиқ* – от.

Демак, олимлар ҳақли равишда таъкидлаганларидек, яхши синхрония нафақат статик, балки динамик ҳамдир, аксинча, яхши диахрония, нафақат динамик, балки статик ҳамдир.

ХУЛОСА

Ўзбек тили лисоний структурасининг ўз қатламини диахроник ва синхроник ёндашув муштараклигида тадқиқ этиш қўйидаги хулосаларни келтириб чиқариш имконини берди:

1. Тил жамият билан узвий алоқадорликда ривожланар экан, ўзининг ибтидоий чегарасидан узоклашиб боради. Аммо у энг қадимги ҳолатидан қанчалик йироклашиб кетмасин, ўша давр тилининг белгиларини ўзига хос миқдорда саклаб қолавериши табиий ҳол.

2. Инсоният жамият, маданият ва фан тараққиётини уларнинг тарихи билан омехталикда тасаввур этувчи субъект бўлиб, бу бирликларнинг энг қадимги хусусиятларини реликтология фани ёрдамида ўрганиш, бу қолдиқларни ҳозирги ҳолати билан қиёсан тадқиқ ва талқин этишга эришганлигини кўриш мумкин.

3. Реликтология фанининг ажралмас ва энг муҳим қисми сифатида реликтолингвистика XX аср бошларида шаклланган ҳамда йўқолиб кетган, унутилиш хавфи кучаяётган тилларнинг ички тузилишини ўрганиш, унинг

бардавомлигини таъминлаш чоралари устида илмий тадқиқот олиб боровчи тилшуносликнинг бир бўлими тарзида фаолият кўрсатади.

4. Реликтолингвистиканинг бирлиги бўлмиш лисоний реликт тилшуносликнинг барча сатҳларига хос энг қадимги сақланмаларни диахроник ва синхроник алоқадорликда умумлаштиради. Бу эса тарихий қолдиқ ва лисоний реликт тушунчаларини фарқлаш лозимлигини талаб этади.

5. Фонетика тилшуносликнинг энг тез ўзгарувчан соҳаларидан бири бўлганлиги туфайли унинг энг қадимги ҳолатини аниқ тасаввур этиш мушкул. Айниқса, ўзбек тили бошқа қариндош тиллардан ўзгача тараққиёт йўлидан борганлиги сабабли унинг фонетик тизимидаги илк белгиларини тасаввур этишни мураккаблаштиради.

6. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг унлилари индифферент қийматга эгаллиги билан сингармонизм қонуният бўлган бошқа туркий тиллардан фарқ қилади. Шунга қарамай, бу ҳодиса тарихийлик ҳамда шевага хослик нуқтаи назаридан текширилганда, унлилар уйғунлигининг аниқ белгилари ҳали ҳам қонуният доирасида турганлигини кўрсатади.

7. Ундошлар тараққиёти унлиларникига нисбатан анча тургун. Бу соҳа туркий тиллар доирасида кам фарқларга эга. Шунга қарамай, ўзбек тилининг ундошлар тизимини олтой тиллар оиласи микёсида талқин этиш ўша давр ундошларининг энг муҳим хусусиятлари бўлган ротаицизм ва лабдаизм каби фонетик ҳодисаларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилида сақланиб қолиши билан белгиланади.

8. Лексика тилшуносликнинг энг тез ўзгарувчан сатҳи бўлиши билан бирга, ономастик бирликлар лисоний реликтларни бошқа сатҳларга нисбатан ёрқинроқ сақлаб қолган бўлим деб ҳисобланади. Топонимлар қадимги ономастик бирликлар сифатида қаралади. Шундай бўлса-да, улар ўзида ҳозирги ўзбек адабий тилининг фонетик, морфологик хусусиятларини сақлаб қолганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

9. Антропонимларда замонавийлик хусусияти бошқа ономастик бирликларга нисбатан устун турса-да, бу соҳани синчиклаб тадқиқ этиш туркий-ўзбекча киши исмларида истак-хоҳиш семаларини ўзида мужассам этган ҳолатда бизнинг замонамизгача етиб келганлигини кўриш мумкин. Зоонимларнинг юзага келиши туркий тилларнинг энг қадимги ҳолатлари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг пайдо бўлишида жонзотларнинг сир-синоати, характер-хусусияти, ранг-туси ва бошқа белгиларига таянилганлиги ўз тасдиқини топди.

10. Ўзбек тили морфология сатҳидаги реликтив ҳолатлар морфологик кўрсаткичларнинг вариантлашувида юзага чиқади. Бу ҳолат шаклларнинг ўз вазифавий имкониятларидан чекиниб, бошқа бир вазифа бажаришга ўтганлигида кўринади ёки, аниқроқ айтганда, форма ясовчиларнинг сўз ясовчилик қийматини касб этиши тилда қадимийлик хусусиятининг сақланиб қолганлигидан гувоҳлик беради.

11. Қадимги туркий тилда грамматик маъно касб этган аффиксларнинг айримлари бу қийматни ўзгартиришган ёки ўзак таркибига ўтиб, рудимент ҳолатига келиб қолган. Тилга реликтолингвистик жиҳатдан ёндашиш

грамматик сон категорияси ҳосил қилувчи архиформаларнинг ҳануз грамматик вазифада турганини исбот этади.

12. Ўзбек тилининг реликтолингвистик тадқиқи “яхши синхрония нафақат статик, балки динамик ҳамдир, аксинча, яхши диахрония, нафақат динамик, балки статик ҳамдир” тамойили асосида ўрганилгандагина унинг бағрида сақланиб келаётган лисоний реликтлар ҳозирги ўзбек адабий тилида мавжуд бўлган муаммоларнинг ечимини топишга кўмак берувчи восита бўлиши мумкин.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРШИНСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ТУРСУНАЛИ ДЖУМАЕВ

**РЕЛИКТОЛИНГВИСТИЧЕСКИЙ АСПЕКТ
УЗБЕКСКОЙ ЯЗЫКОВОЙ СТРУКТУРЫ
(фонетический, лексический, морфологический ярусы)**

10.00.01 – Узбекский язык

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc) ПО
ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Карши – 2021

Тема диссертации доктора наук (DSc) по филологическим наукам зарегистрирована за номером B2021.1.DSc/Fil278 Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх (узбекском, русском, английском) языках размещен на веб-странице Научного совета Каршинского государственного университета (www.qarshidu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный консультант:

Менглиев Бахтиёр Ражабович
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Дадабоев Хамидулла Арплович
доктор филологических наук, профессор

Усмонова Шоира Рустамовна
доктор филологических наук, профессор

Уразбаев Абдулла Дурдибаевич
доктор филологических наук, доцент

Ведущая организация:

Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится «11» 09 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 Каршинского государственного университета по присуждению ученых степеней (Адрес: 180103, г.Карши, улица Кучабог 17. Тел. (99875) 225-34-13; факс: (99875) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Каршинский государственный университет, Физико-математический факультет (кабинет 102).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (зарегистрировано за № 63). (Адрес: 180103, г.Карши, улица Кучабог, 17. Тел.: (99875) 225-34-13; факс: (99875) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «30» август 2021 года
(протокол-реестр рассылки № 8 от «30» 08 2021 года).



Н.Н.Шадманов
председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д. филол.н., доцент

Г.Таджиева
уче
ный секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.филол.н. (PhD)

Х.Жаббаров
председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д. филол.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мировом языкознании перед лингвистами ставятся все более новые задачи синхронного толкования языка в единстве с диахронным аспектом. В этом заключается задача реликтолингвистики, которая не только собирает сохранившиеся данные об исчезнувших языках, но и осуществляет практическую работу по сохранению редких и находящихся под угрозой исчезновения языков. В этом случае «реликтолингвисты» обязаны действовать совместно с другими «инженерами – языковедами» – интерлингвистами (исследователи и разработчики языков искусственного общения), сравнительно исследующими (специалистами по реконструкции праязыков), археолингвистами (филологами, изучающими древние языки), а также находить решение имеющихся в них проблем посредством реликтивных ситуаций в современных языках, действовать сообща для обеспечения преемственности языков. Если подходить к современным языкам с точки зрения их внутреннего содержания, то можно сразу проследить процессы их возникновения, внутреннюю структуру, историю и этимологию, отношение к историческим этимологическим пластам. Для этого необходим подход к языку, основанный на различных стилях, методах и даже на критериях определенной науки.

В мировой лингвистике появляются научные исследования современной и исторической интерпретации языка. Поскольку язык – многогранный, многоаспектный социально-психологический-физиологический феномен, процесс, он изучает сравнительную лингвистику, натурализм, диахроническую лингвистику, синхроническую лингвистику, структурализм, статистическую лингвистику, психолингвистику, социолингвистику, ареальную лингвистику, лингвистическую типологию, практическую лингвистику. Следовательно, еще одной важнейшей задачей реликтолингвистики должно быть создание основы для фундаментального исследования содержания каждого языка с целью сохранения его бессмертия.

Несмотря на то, что все области узбекского языкознания широко изучены, к нему не подходят с реликтуингуистической точки зрения. Если мы посмотрим на внутреннюю структуру нашего родного языка, мы сможем увидеть формальные и функциональные различия в некоторых языковых единицах; некоторые грамматические индикаторы отступают от своего грамматического значения, некоторые используются с древним грамматическим значением, но их историческое значение имеет свое собственное решение на основе реликтолингвистической интерпретации. “...в будущем мы еще многое сделаем для процветания нашей Родины, повышения научной атмосферы в стране, в частности усиления стремления к науке, особенно у молодежи, дальнейшего развития научно-технической, инновационной сфер”¹. Исходя из этих задач, в частности, выяснение сущности языковых единиц, изучение ярусов современного узбекского литературного языка в диахронном и синхронном

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараккиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 181.

аспектах, демонстрация того, что во внутреннем строении нашего родного языка живут древнейшие “легенды и предания” имеют важное научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени окажет практическое содействие выполнению задач, отраженных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-5850 «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка от 21 октября 2019 года, №УП-6084 «О мерах по дальнейшему развитию узбекского языка и совершенствованию языковой политики в стране» от 20 октября 2021 года, постановлении №ПП-4479 «О широком праздновании тридцатилетия принятия закона Республики Узбекистан «О государственном языке» от 4 октября 2019 года, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №984 «Об утверждении положения о департаменте развития государственного языка» от 12 декабря 2019 года, №40 «О мерах по организации деятельности комиссии по терминам при Кабинете Министров Республики Узбекистан» от 29 января 2021 года и других нормативно-правовых документах имеющих отношение к данной сфере деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики I. “Социальное, правовое, экономическое, культурное, духовно-нравственное развитие информатизированного общества и демократического государства, развитие и формирование инновационной экономики».

3. Обзор зарубежных исследований по теме диссертации². В мировой лингвистике появляются научные исследования современной и исторической интерпретации языка. Поскольку язык – многогранный, многоаспектный социально-психологический-физиологический феномен, процесс, он изучает сравнительную лингвистику, натурализм, диахроническую лингвистику, синхроническую лингвистику, структурализм, статистическую лингвистику, психолингвистику, социолингвистику, ареальную лингвистику, лингвистическую типологию, практическую лингвистику. Следовательно, еще одной важнейшей задачей реликтолингвистики должно быть создание основы для фундаментального исследования содержания каждого языка с целью сохранения его бессмертия.

Несмотря на то, что все области узбекского языкознания широко изучены, к нему не подходят с реликтолингвистической точки зрения. Если глубже посмотрим на внутреннюю структуру нашего родного языка, мы сможем увидеть формальные и функциональные различия в некоторых языковых единицах; иногда грамматические индикаторы отступают от своего грамматического значения, а некоторые используются с древним грамматическим значением, но их историческое значение имеет свое собственное решение на основе реликтолингвистической интерпретации.

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-гаддикотлар шархи <http://dodoy.ru/index.-iz-osetii-ot-nikolaya-abaeva-chast-1&catid=39:etimologiya&Itemid=79>
https://vk.com/wall-162306154_11630; <http://www.xn--elagavasi5e.xn--p1ai/story/108-2011-07-18-08-26-56.html>
<https://otherreferats.allbest.ru/languages/00862750.html> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

В мировой лингвистике исследования, основанные на реликтолингвистическом аспекте языковых уровней и выявлении проблемных и сбивающих с толку языковых особенностей, привели ко многим научным результатам: (Университет Тенниси, США); было показано, что причины морфологического варианта имеют сходство с входящими языками в алтайскую группу (Санкт-Петербургский государственный университет, МГУ, РФ); Marketing, Martin Tuchman School of Management, New Jersey Institute of Technology, Newark, NJ, United States Америки (США), Organizational Leadership and Information Analytics, Leeds School of Business, University of Colorado Boulder, Boulder, CO, United States, Америки (США); Новосибирский государственный университет, РФ).

В мировой лингвистике существует ряд исследований в приоритетных направлениях реликтологии, в частности реликтолингвистическое изучение языка: выявление диахронических элементов в синхронной структуре того или иного языка, нахождение схожих языковых единиц во внутренней структуре родственных языков, и доказывая, что они являются остатками генетики, изучение на основе идей волновых теоретиков, а также определение связи между уровнями полученного точного языка и раскрытие их реликтолингвистической основы.

Степень изученности проблемы. В узбекском языкознании к языковым единицам не применялся подход как к историческим реликтам. В научно-исследовательских работах до настоящего времени применялся статический (устойчивый) подход к истории тюркских языков. К изучению данного аспекта большой вклад внесли такие узбекские лингвисты как Ф.Абдуллаев, Г.Абдурахмонов, С.Муталлибов, А.Рустамов, Э.Фозилов, Қ.Махмудов, Ш.Шукуров, Х.Неъматов, Н.Абдурахмонов, Ш.Рахматуллаев, Б.Бафоев, С.Аширбоев, Б.Туйчибоев, Х.Дадабоев³. Они провели значительную работу по изучению узбекского языка с исторической точки зрения, созданию научно-теоретических основ исторического языкознания.

³ Абдуллаев Ф. Эски ўзбек тили. Дарслик. – Тошкент, 1959; Абдуллаев Ф. -чи аффиксининг генезиси хақида // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 6-сон. – Тошкент, 1960;

³ Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили фонетикаси тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 2-сон. – Тошкент, 1962; Рустамов А. Алишер Навоийнинг «Махбубул-қулуб» асарига баъзи бир эски ўзбек тилига хос хусусиятлар. Труды аспирантов САГУ им. В.И. Ленина. вып. 4. – Ташкент, 1958; Рустамов А. Алишер Навоий тилида «у» боғловчисининг ишлатилиши // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1-сон. – Тошкент, 1959; Абдурахмонов Ғ.А., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент: Ўқитувчи. 1982. (Ҳамкор – Абдурахмонов Ғ.А.); Фозилов Э. Ўзбек тилида *ишонмоқ*, *инонмоқ* феълларининг этимологияси хақида // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1-сон. – Тошкент, 1962; 1966; Шукуров Ш. Эски ўзбек тилида хозирги замон маъноларини ифодаловчи феъл формалари // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1-сон. – Тошкент, 1959; Эски ўзбек тилида келаси замон феъллари // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1-сон. – Тошкент, 1960; Шукуров Ш. -гай формасининг тарихига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 3-сон. – Тошкент, 1964; Нигматов Х.Ғ. Морфология языка восточно-тюркских памятников X-XII веков по материалам сочинения Юсуфа Баласагунского, Махмуда Кашгарского, Ахмеда Югнакского: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Ленинград, 1976; Абдурахмонов Н. Қадимги туркий тил. – Тошкент: Ўқитувчи. 1973; Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик лугати. – Тошкент: Университет. 2000; Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. – Тошкент, 1983; Бафоев Б. Кўҳна сўзлар тарихи. – Тошкент: Фан. 1991; Аширбоев С. Из истории изучения грамматического строя узбекского языка: по трудам русских тюркологов 1875-1917 гг.: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1975; Туйчибоев Б. Ўзбек тилининг тараккиёт босқичлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996; Dadoboyev N. O'zbek terminologiyasi. O'quv qo'llanma. – Toshkent: "Nodirabegim" nashriyoti, 2020; Алиев А., Содиков Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994.

